O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2002-yil, 27-sentyabr • № 40 (3673)

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатлари мамлакатларимиз ўз мустақилликларига эришгандан кейин янгича мазмун касб этди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 24-25 сентябр кунлари Литвага қилган ташрифи бу ҳамкорликнинг янги босқичига асос солди.

Мазкур ташриф мамлакатларимиз босиб ўтган йўлни сарҳисоб қилиш ва истиқболдаги режаларни аниқ белгилаб олиш учун имконият туғдирди. Президентларнинг юзма-юз суҳбатида Литва раҳбари Валдас Адамкус ташрифнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, бу имкониятдан самарали фойдаланиш ҳар иккала мамлакат манфаатларига хизмат қилажагини айтди.

Музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон билан Литва ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолашди.

Сафар давомида Президент Ислом Каримов Вильнюсдаги Антакалнис ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди. Литва республикасининг мустақиллиги йўлида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик пойига гул қўйди.

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримов билан Литва Бош вазири Алгирдас Бразаускасниг дўстлиги мамлакатларимиз мустақилликка интилаётган пайтлардаёқ бошланган эди. Ташриф давомида қадрдон дўстларнинг суҳбатида Ўзбекистон — Литва муносабатларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Президентимизга Литванинг Буюк Витаутас ордени топширилгани жуда қувончли воқеа бўлди. Дарҳақиқат, 1930 йили Буюк Литва князи Витаутаснинг 500 йиллиги муносабати билан таъсис этилган бу энг олий мукофот Литва давлати, халқи олдидаги ҳамда халқаро миқёсда улкан хизматлар кўрсатган атоқли кишиларга берилади. Шу пайтгача бу орденга Швеция қироли Карл XVI ва қиролича Сильвия, Литванинг биринчи президенти А.Бразаускас, Сейм (парламент) раиси В.Ландсбергис ҳамда Литва кардинали В.Слаткевичус сазовор бўлишган.

Президент Ислом Каримовнинг Литва Сейми (парламент) раиси Артурас Паулаускас билан суҳбати чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Литвалик ишбилармонлар билан учрашувда Юртбошимиз бу мамлакат тадбиркорларини Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга даъват этди. Хусусан, бу борада ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар жуда кўплигини таъкидлади.

Президент Ислом Каримовнинг Литвага ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаб, барча соҳаларда изчил ҳамкорликни янги босқичга кўтариши шубҳасиздир.

БУ СОНДА:

2 ҚАНОТЛИ ОҲАНГЛАР

ҲУДУДСИЗ ЖИЛВА 3

«ВАҚТ — ЭНГ ОДИЛ ҲАКАМ» 4

Ёзувчилар пахта далаларида

МИРЗАЧЎЛ КУЗИ

Атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор эллик тўрт йил олдин ёзган бир очеркида Мирзачўл кузига шундай таъриф берганди: "*Ҳар фаслнинг ўз гашти бор, чунончи: ёзда ўнтадан биттасини танлаб сўйилган босволди ёки пирсиллокнинг мазаси умрбод оғиздан кетмайдигандай туюлса ҳам, кузда қовун пайкалини юз айланиб топилган анчайин бир ҳамакни марзага уриб ёриб еган киши, ўша босволди-ю, ўша пирсиллокни тусамайди; баҳорда жийда гулининг ҳидига маст бўлган, ўткинчи кузда унинг ҳақиқ маржондай тизилган мевасининг оғирлигидан эгилган, осилиб ётган шохларга маҳлиё бўлади*".

Бу таърифни бежиз эсламаяпмиз. Куни кеча бир гуруҳ ёзувчилар айнан ўша очерк ёзилган ва улуғ адибимизга илҳом берган далаларда бўлдик. Адабиётшунос олимларимизнинг эслашлари-ча, 1948 йили Абдулла ака Гулистон туманидаги мана шу биз борган хўжаликда олти ой яшаб, ижод қилган, чўл қувган фидойи деҳқонларимиз ҳаётини яқиндан ўрганган ва жуда кўплаб очерклар, ҳикоялар ёзиб қайтган эканлар. Ўшанда меҳнат қаҳрамони Ғанишер Юнусов шу хўжаликда бригада бошлиғи бўлган.

Бугун бу манзил Улуғбек номидаги ширкат хўжалигига қарайди. Биз Норбўта Сўпиев ишбошилик қилаётган фермер хўжалиги даласида пахта тераётган қиз-жувонлар, ўқувчию талабалар, муаллимлар ҳузурига борар эканмиз, устоз Абдулла Қаҳҳорнинг излари қолган, улуғ адибга илҳом бахш этган манзараларга (гарчи ярим аср мобайнида неча бор ўзгариб кетган бўлса-да) тўймай боқардик. Адибнинг "Ғанишерга сўз беринг", "Чўл қувлайлик", "Гулистонда бир бўстон" каби машҳур очерклари, "Минг бир жон" ҳикоясининг қаҳрамонлари мана шу кенг-мўл анорзорлари билан кўзни қувнатаётган қишлоқ одамлари эканлигини ҳис этардик. Дала йўлида учраган ҳар бир киши ўша қаҳрамонларнинг фарзандлари, невара-чеваралари бўлиб туюлар ва бугунги адабиётимизнинг ҳам қаҳрамонлари бўлишга ҳақли эканлигини дил-дилдан эътироф этардик. Пахтакорлар ҳузурига ёзувчи ва шоирлар ташриф буюрганини эшитган теримчилар бир зумда хирмон атрофига тўпланишди. "Ҳорманг! Бор бўлинг!"дан сўнг Гулистон Давлат университети доценти Умрзоқ Ўлжабоев ижодкорларни таништириб, мамлакатимизда, жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар, адабиётимиз янгиликлари ҳақида сўзлади, ижод аҳлини халқимиз ҳаёти, пахта усталарининг ютуқ ва муаммолари, қаҳрамонликлари қизиқтириши, шунинг учун ҳам бундай ўзаро мулоқотлар ҳамма вақт зарурлигига эътиборни жалб этди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ўзбек тилини қунт билан ўрганаётган америкаликларнинг қизиқишлари ҳақида сўзлаб берди, ўзининг янги шеърларидан ўқиб, мухлисларни мамнун этди. Профессор Бегали Қосимов эса халқимиз фаровонлигини

Давоми иккинчи бетда

ТЕАТР САНЪАТИ БАЙРАМИ

ёхуд арткарнавал шукуҳи

24 сентябр куни "Ўзбекteатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳовлиси одатдагидан гавжум бўлди. Бу ерга республикамиз вилоятлари ва пойтахтда фаолият кўрсатаётган театрларнинг раҳбарлари, режиссёрлар, таниқли санъаткорлар ва театршунос мутахассислар ташриф буюрдилар.

"Ўзбектеатр" бирлашмасининг янги таъмирдан чиққан залида Театр ижодкорлари уюшмасининг умумий йиғилиши бўлди. Йиғилишда театр санъати ходимлари олдида турган навбатдаги вазифалар муҳокама қилинди ва уюшманинг янги раиси сайланди.

Йиғилишни академик Мамажон Раҳмонов очди ва бошқарди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири Ҳайрулла Жўраев бугунги кунда театр санъати ижодкорлари олдида турган муҳим вазифалар, санъат ва санъаткор масъулияти ҳақида сўзлади. Машҳур балерина, Ўзбек давлат академик Катта театри директори Бернора Қориеванинг театр санъати равнақига қўшиб келаётган ҳиссаси алоҳида таъкидланиб, санъаткорга катта миннатдорчилик билдирилди. Б.Қориева илтимосига кўра театр директори вазифасидан озод этилди. Энди машҳур санъаткор Маданият ишлари вазирининг маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб боради. Театр ижодкорлари учун ажратилган 40га автобуслан биттаси "Ўзбектеатр" бирлашмасига топширилгани ҳақидаги хабар йиғилганларни мамнун қилди. Эндиликда театрларнинг кўпчилиги янги автобусларга эга бўладилар.

"Ўзбектеатр" бирлашмаси бош директори Омонулла Ризаев Театр ижодкорлари уюшмасининг фаолияти ҳақида ахборот бериб, режадаги ишларга батафсил тўхталди. Биринчи навбатда барча театрлар "Ўзбектеатр" бирлашмаси балансига ўтиши лозим. Асосий эътибор бундан буён театрлар билан ҳамкорликда турли лойиҳалар ишлаб чиқишга қаратилади. Бошқа ижодий уюшмалар билан алоқани мустаҳкамлаш, бирлашмада турли ижтимоий тадқиқотлар ўтказишни йўлга қўйиш ҳам, шубҳасиз, театр санъати равнақига ҳисса қўшади.

Йиғилишда сўзга чиққан Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театри директори Комил Аваз, Бердақ номидаги қорақалпоқ театри директори Нажиматдин Ансатбоев, Каттақўрғон театри директори Абдуазиз Ҳошимов, Самарқанд вилоят театри актёри Бурхон Исломов, Сурхондарё вилоят театри бош режиссёри Мансур Равшанов ва бошқалар анжуманда ўртага ташлаган таклифларнинг амалга оширилиши театрларимизнинг бундан буёнги равнақини таъминлаши шубҳасиз.

Умумий йиғилиш қарори билан "Ўзбектеатр" бирлашмаси бош директори Омонулла Ризаев Театр ижодкорлари уюшмасининг раиси этиб сайланди. Шу куни кечқурун бирлашма ҳовлиси ажойиб қиёфа касб этди. Чиройли безатилган саҳнанинг, унинг атрофига ва тепасига ўрнатилган турли-туман чироқлардан таралаётган ёғдулар, ҳарир пардалар ҳовлига байрамона кайфият бахш этди. Дарвоза олдида янграётган ноғора ва карнай-сурнай садолари меҳмонларни Мустақиллигимизнинг 11 йиллигига бағишланган Тошкент театрлари ижодий жамоалари иштирокида ўтказиладиган "Арткарнавал"га чорлади.

Карнавални бирлашма директори О.Ризаев очди. Саҳнага машҳур санъаткор Бернора Қориева чиқиб, байрам иштирокчиларини "Арткарнавал" билан қутлади ва Навоий номидаги театр номидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Надежда Шиловани таклиф қилди. Унинг "Арабча рақс"и йиғилганларни мафтун этди. Ўзбек миллий академик драма театри директори Ёқуб Аҳмедовнинг қутлови ва театрнинг "Бир қадам йўл" спектаклидан кўрсатилган саҳна йиғилганларни бефарқ қолдирмади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Маъдиев бошчилигида Муқимий номидаги театрнинг етакчи актёрлари — Меҳмонали Салимов, Зулайҳо Бойхонова, Мақсуда Отажонова ва бошқалар ўз санъатларини намойиш этиб, катта олқиш олдилар. Айниқса, Зулайҳо Бойхонова ижросидаги мумтоз ашула барчага манзур бўлди.

Оперетта театридан Людмила Бессарабова ва Ирина Новикова бошчилигидаги гуруҳ, Аброр Ҳидоятов номидаги театрдан машҳур санъаткор Афзал Рафиқов, Доно Бобохонова ва бошқа актёрлар, Қўғирчоқ театри бадиий раҳбари Марям Ашурова ва бир гуруҳ қўғирчоқбозлар, Ёшлар театри актёрлари ижросидаги рақс ҳам карнавалга бетакрор руҳ бағишлади.

Санъат институти талабаларининг томошага қўшган ҳиссалари эса алоҳида таҳсинга сазовор. Бошловчи талабаларнинг зукколик ва тўғрисўзлик, ҳазил-мутойиба билан карнавални олиб бориши кўнгилларни яйратди. Айниқса, анжуман сўнгидаги мушакбозлик, талабаларнинг шўх қўшиқ ва рақслари карнавал файзига файз қўшди.

Ўйлаймизки, шу куни "Ўзбектеатр"нинг шинам ва байрамона безатилган ҳовлисида ўтган карнавал бу ерга келган театр санъати фидойиларининг ҳам, бошловчи актёрлар ва меҳмонларнинг ҳам ёдида узоқ вақт сақланиб қолади. Театр мавсумининг ўзига хос байрамона бошланиши сифатида ўтган бу анжуман руҳи энди мамлакатимиз театрлари саҳнасига ҳам кириб бориши шубҳасиз.

Гулчехра УМАРОВА

«МЕН ВА МЕНИНГ ОНАМ»

Бугун Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистонда халқаро миқёсда биринчи марта дунёнинг 26 мамлакати ёшлари иштирокида Камолиддин Беҳзод номидаги ҳалқаро болалар расмлари танлови бошланади. Мазкур танлов Бадиий академия, Ташқи ишлар, Маданият ишлари, Халқ таълими вазирликлари, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси, Ўзтелерадиокомпания ва бошқа ташкилотлар томонидан ўтказилмоқда.

"Мен ва менинг онам" мавзуида ўтказилаётган танловга шу кунгача АҚШ, Япония, Россия, Бангладеш, Германия, Миср Араб Республикаси каби давлатлардан жами 3000та расм қабул қилинди. Танловда беш ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болалар ўз расмлари билан иштирок этадилар. Дунёдаги 60дан ортиқ маданият муассасалари, турли тасвирий санъат уюшмалари жаҳон болалар асарларининг Ўзбекистонга етиб келишига ёрдам беришди.

Мазкур халқаро болалар расмлари танлови ўз мавқеи жиҳатидан Ханагава (Япония), Шанкар (Ҳиндистон), Хиросима (Япония), Лидисе (Чехия) каби бошқа жаҳон ёшлари танловларидан қолишмайди. Бундан буён уни анъанавий тарзда ҳар йили ўтказиб туриш режалаштирилган.

Танловнинг Олий мукофоти Гран-при бўлиб, у махсус диплом билан бирга, энг истеъдодли деб топилган қатнашчига топширилади. Шунингдек, танловда иштирок этган кичик, ўрта ва катта ёшдаги қатнашчилар медал ва дипломлар билан ҳам тақдирланади. Бундан ташқари, "Мавзуни энг яхши ёритганлиги учун", "Техник жиҳатдан оригиналлиги учун", "Ижодий фантазияси учун" таъсис этилган дипломлар ҳамда эсдалик совғалари топширилади.

Беҳзод МАМАДИЕВ

«СЎЗИМНИ ЎҚУБ, ЁД ҚИЛГАСЕН ЎЗУМНИ...»

Ушбу башоратомуз сўзлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳиндистонда ёзган шеърларини ўз ичига олган, илмий муомалаларда "Бобур девонининг Рампур нусхаси" деб аталаётган девонида келтирилган. Қизиғи шундаки, девоннинг сўнгги варағида Бобур ўз қўли билан ушбу байтни ёзиб қўйган экан: **"Ҳар вақтки, кўргасен менинг сўзумни, Сўзимни ўқуб, ёд қилгасен ўзумни".** Куни кеча Андижонда улуғ ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 520 йиллиги олдидан бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда иштирок этар эканман, юқоридаги сўзларнинг нечоғлик ҳақиқат эканлигига яна бир бор имон келтирдим. Мазкур анжуманнинг ўтказилишига бир неча муҳим сабаблар бор эди.

Буюк шоир ва саркарда таваллудининг 510 йиллиги арафасида Андижонда Бобур номидаги халқаро жамғарма ва унинг илмий экспедицияси фаолият кўрсата бошлади. Вилоят ҳокимлигининг қарори билан, Бобур Мирзо она юртидан чиқиб кетаётганда қутлуғ излар қолдирган Андижон адирларида шоир номидаги миллий истироҳат боғини барпо этишга киришилди. Кечаги анжуман худди ана шу боғда бўлиб ўтди. Ям-яшил дарахтларга бурканган ораста бу боғда ўзингизни бамисли Заҳириддин Муҳаммад Бобур қўли билан бунёд этилган шинам боғда, аниқроғи, унинг файзиёб хонадонида ўлтиргандек ҳис қиласиз... Илмий-амалий анжуманни таниқли бобуршунос адиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов бошқариб борди.

Юқорида таъкидланганидек, Бобур номидаги халқаро жамғарма фаоллари жамғарманинг ўн йиллигини нишонламоқда. Мустақиллигимиздан аввал бир гуруҳ андижонлик фидойилар — уларнинг ичида ҳозирда жамғармани бошқараётган Зокиржон Машрабов ҳам бор эди — жасорат кўргизишиб Мтишчи шаҳрида Бобур Мирзонинг ҳайкалини тайёрлатиб олиб келдилар.

Давоми иккинчи бетда

«ЁЗУВЧИ»НИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Эркин ижод шароити мўъжизалар пайдо қилишга қодир. Бугун оммавий ахборот воситаларидан талаб этилаётган тезкорлик, ростгўйлик ва энг муҳими, нашрларнинг кенг халқ оммасининг барча қатламларига кириб бориши уларнинг мундарижасидан тортиб безалишигача янгиланишини тақозо қилмоқда. Битта нашрда газетхонларнинг турли-туман маънавий эҳтиёжларини акс эттира билиш эса жуда катта куч ва ижодий салоҳиятни талаб этади. Айни пайтда мамлакатимизда чиқиб турган нашрлар орасида ўз фаолиятини қайта қуришга ҳаракат қилаётганлари ҳам йўқ эмас. Хусусан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт тарғиботи маркази мулкчилигида чоп этилиб келинаётган "Ёзувчи" газетаси шу йилги 11-сонидан бошлаб ҳам суратини, ҳам сийратини янгилади. "Ёзувчи"ни ўқинг! дея даъват этаётганимизнинг боиси шундан.

"Ёзувчи"нинг мазкур сони, аввало, ўзбек ва жаҳон адабиётида воқеа бўлган асарлар ва муаллифлар ҳақидаги ўқишли материаллар билан эътиборни тортади.

"Шайтанат"даги образлар қаердан олингани Сизни қизиқтирса, "Ёзувчи"да чиққан сухбатни ўқинг.

Асарлари жаҳон адабиётида бугун янги воқеа деб тан олинган ижод соҳиби — бразилиялик адиб Паоло Коэлонинг ишонган ҳақиқатларидан ҳам, "Ёзувчи"ни ўқисангиз, хабардор бўласиз.

Суғурта нархи нақд 8 миллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланган буюк мусаввирларнинг асарлари Тошкентдаги Санъат музейидан қандай ўғирлангани-ю, бу шов-шувли қилмишни амалга оширган "устаси фаранг" ўғри ҳақидаги ғоят қизиқарли тафсилотлар Сизни бефарқ қолдирмас. Буни ҳам "Ёзувчи"да ўқийсиз.

Умр бўйи қоғоз қоралаб, бироқ биров тўрт сатрини билмайдиган қаламкашлар камми?! Аммо "халқлар дохийси" Сталиннинг шеърлари мактаб дарсликларига киритилганида у 14-15 ёшда бўлган экан. Шоир бўлиб туғилган экан, аслида бу золим ҳукмдор... Қолган гаплар "Ёзувчи"да!

Юлдуз Абдуллаеванинг қалбига қулоқ солгингиз келса, марҳамат, юлдузимизнинг "Ёзувчи"даги дил сўзларидан баҳраманд бўлинг! "Чархпалак" видеофилмини кўргандирсиз. Ўша филмдан кейин машҳур бўлиб кетган актриса Наргиза Абдуллаева кўнглини очиб берган гурунг ҳам "Ёзувчи"да чиққан...

Хуллас, "Ёзувчи"ни изланг, суриштиринг, сотиб ёки сўраб олинг, мақсадки, албатта, ЎҚИНГ!

Кимлигингизни билиб олай (қандай гулни ёқтиришингизга қараб) ёхуд ичакузди ҳаввиядан баҳраманд бўлай десангиз, борингки, сканворд ечиб — бош қотириб мириқай десангиз... ўқинг — фақат "Ёзувчи"ни!

Ичи, сирти янгиланган "Ёзувчи" сизга ғаройиб сухбатдош, маънили ҳамроҳ, доимий сирдош бўлиб қолиш ниятида. Шундай бўлишига биз-да тилакдошмиз.

«ЎзАС»чилар

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳайъат йиғилишида Мустақиллик байрамида иштирок этган туман ва шаҳар ҳаваскорлик жамоаларини тақдирлаш масаласи кўрилди. Бу ҳақда Маданият ишлари вазири Тамара Давлетмуратова сўзлади. Йиғилишда Нукус шаҳрининг 70 йиллик юбилейига тайёргарлик ва уни ўтказиш борасида ҳам маслаҳатлашиб олинди.

* * *

Андижон давлат ёшлар театри жамоаси, Бобур номидаги вилоят театри, «Ўзбекнаво» бирлашмасининг вилоят бўлими ва Андижон шаҳар маданият ишлари бўлими жамоаларининг бир гуруҳ санъаткорлари Улуғнор, Бўз, Пахтаобод, Андижон туманларида бўлиб, ҳашарчиларга концерт дастурлари ва театр томошаларини тақдим этдилар. «Мерос», «Сумалак», «Андижон самоси» ансамбллари ҳам Хўжаобод, Булоқбоши, Марҳамат туманлари меҳнаткашларининг кўнгилли дам олишларига ҳисса қўшмоқдалар.

* * *

Ёзувчилар уюшмасида драматург Жўра Маҳмудовнинг "Берк кўча" пиесаси муҳокама этилди. Унда драматурглар, танқидчилар, театршунослар ҳамда адабиёт мухлислари иштирок этишди.

Пиесада бош қаҳрамонлар Ҳасан ва Одинанинг, шунингдек, судхўр, савдогар хотин, тиланчи каби кимсаларнинг тирикчилик икир-чикирларига ўралашиб, ўзлари билмаган ҳолда шайтон тузоғига тушиб қолишлари, натижада турли пасткашликларга, разилликларга қўл урганлари акс эттирилган. Асарда шайтон образи ҳам бўлиб, у одамларни пул воситасида ўз йўриғига бошлаб, уларни тўғри йўлдан адаштиради.

Пиеса йиғилганлар томонидан яхши кутиб олинди. Муҳокамада драматургия кенгаши қарори билан истеъдодли драматург Санжарали Имомов Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига тавсия қилинди.

Шеърий лаҳза

КУЗ

Боғларда куз кезади — титроқ —
Елкасида кўчу кўрони...
Илдизидан узилган япроқ
титроғида кўрдим дунёни.

Ҳаволарда тортилар мезон...
Хотир бизни қилади адо.
Бошимизда айланган хазон —
Юрагимдан тўкилган видо.

Куз оқшоми.
Нима ҳам дейин?
Ана боғлар... Эзгин-эзгин сўз.
Кўзларингга термулган сайин
Кўз ўнгимда гуллаяпти Куз.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

«СЎЗИМНИ ЎҚУБ, ЁД ҚИЛГАСЕН ЎЗУМНИ...»

Боши биринчи бетда

Аммо ҳайкални қўйиш имкони бўлмади ўшанда... Жамғарманинг илк қадами Бобур Мирзонинг зиндонбанд бўлиб ётган ҳайкалини Бобур Арки — уй-музей ҳовлисига ўрнатишдан бошланди. Жамғарманинг илмий экспедицияси — унда адиблар ва турли соҳа олимлари фаолият кўрсатиб келишмоқда — ўзининг илк сафарида ўқлар ёғилиб турган нотинч Кобул шаҳрига йўл олди ва Бобур Мирзо қабрини зиёрат қилди. Ватандошимиз қабридан олиб келинган табаррук тупроқ Бобур миллий истиҳоат боғидан тепароқда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида рамзий маънода "дафн" этилди. Бу ерда Кобулдаги қабр шаклида мақбара пайдо бўлди, "Бобур ва жаҳон маданияти" музейи очилди, шоирнинг улуғвор ҳайкали қад кўтарди...

Жамғарма ўз олдига жуда ҳам қутлуғ ва шарафли вазифалар қўйган. Бу вазифаларни амалга ошириш озмунча меҳнат талаб қилмайди. Шуни таъкидлаш жоизки, жамғарма бозор иқтисоди шароитида қатъият билан фаолият кўргизиб келмоқда. Рақамларга назар соламиз: шу кунларда жамғарманинг тўққиз хорижий мамлакатда бўлимлари ишлаб турибди. Улар элчихоналаримиз билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Бобурийлар даврига хос ноёб қўлёзмалар, бобурийлар ҳаётига оид, юртимиз тарихига тегишли илмий-тарихий маълумотлар тўплаш, шунингдек, бобурийлар ҳаёти ва ижодини ҳорижда тарғибу ташвиқ қилиш ушбу бўлимлар фаолларининг қутлуғ вазифаларидандир. Бу борада жамғарманинг илмий экспедицияси ҳам диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқда. Экспедиция ҳозиргача дунёнинг ўн бешдан ортиқ мамлакатида бўлди, автомобилда Ҳинд уммонидан Африка қитъасигача икки юз минг километрдан кўпроқ йўлни босиб ўтди. Натижада, жамғарма хазинасида юртимиз тарихига, бобурийлар даврига тегишли 400 дан ортиқ ноёб китоблар жамланди. Сафарлар давомида Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний сингари буюк боболаримиз қабрларидан табаррук тупроқлар олиб келинди.

Икки қўлёзма ҳақида тўхталиш жоиз кўринади. Жамғарманинг хориждаги дўстларидан германиялик доктор Ян Хонзел ва Юрген Андреас Эрнестлар Ҳусайн Бойқаро фарзанди Шоҳ Ғариб Мирзо билан Бобур Мирзонинг ўғли Комрон Мирзонинг Ҳамбургда сақланаётган девонларининг ноёб нусхаларини жамғармага тақдим этдилар. Девонлар афғонистонлик олима Шафиқа хоним Ёркин томонидан нашрга тайёрланиб босиб чиқарилди. Германиялик дўстлар, шунингдек, Бобур ва бобурийларга оид 141 минг манба жам бўлган маълумотномани ҳам тақдим этдилар.

Илмий экспедиция шу кунгача тўққиз марта хорижий мамлакатларга сафар қилди. Сафарлар қувончли натижалар берди. Йигирмадан ортиқ видео ва кинофилмлар яратилди, ўндан зиёд бадиий-маърифий китоблар ёзилди ва жамғарма ҳомийлигида дунё юзини кўрди. Уларнинг ичида Х.Султоннинг "Бобурийнома", С. Жалиловнинг "Бобур ва Юлий Цезарь", З.Машрабов ва С.Шокаримовларнинг "Асрларни бўйлаган Бобур", П.Қодировнинг "Мардлик", Қ.Кенжанинг "Ҳинд сориға", "Бобурийлардан бири", А.Иброҳимовнинг "Бобурнома — буюк асар", О.Тожибоеванинг "Бобур армони" ва бошқа асарларни таъкидлаш жоиздир.

Жамғарма раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, фидойи инсон Зокиржон Машрабов суҳбатлардан бирида, Бобурнинг она шаҳри бўлган Андижон ёшини аниқлаш ва кўҳна шаҳарлар қатори унинг ҳам тўйини ўтказиш лозимлиги ҳақида сўз юритган эди. Фарғона водийси маданиятимизнинг кўҳна қатламларидан ҳисобланса-да, лекин ҳалигача водий шаҳарларининг ёшини аниқлаш борасида (айрим жойлардагина, масалан, Ахсикент, Поп, Қува, Косонсойда археологик қазилма ишлари олиб борилган) жиддий қадамлар қўйилмаган дейиш мумкин. Бобур номидаги халқаро жамғарма ташаббусни ўз қўлига олиб, Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти билан ҳамкорликда Андижонда шаҳарнинг ёшини аниқлаш йўлида қазилма ишларини бошлаб юборди. Таниқли археолог Б.Матбобоев рахбарлигидаги гуруҳ Далварзинтепа ва Сорвонтепа мавзеларида қазилма ишларини олиб бориб, бир неча янги нодир ашёлар топишга эришдилар. Анжуманда сўзга чиққан Б.Матбобоев намойишга қўйилган ашёлар, топилмалар асосида дастлабки хулосаларга келиш мумкинлигини қайд этди. В.В.Бартолд Андижонни мўғул хонлари Кайдухон ва Тувохонлар даврида, яъни XIII асрда қурилган деган фикрни ўртага ташлаган эди. Ҳамдуллоҳ Қазвиний эса ўзининг "Нузҳатул қулуб" асарида мўғул хонлари Андижонни бунёд этмаган, балки обод этган, деб ёзганди. Бу ерда, албатта, археологик қазилмалар ва ашёлар аҳамияти улкандир. Археолог Б.Матбобоев фикрича, Андижон ёшини 2300 билан 2600 йил ўртасида белгилаш мумкин. Давом этаётган изланишлар, албатта, бу хулосаларга ўз аниқликларини киритади, деб ўйлаймиз.

Илмий-амалий анжуман доирасида уч китобнинг тақдимоти бўлиб ўтганини алоҳида урғулашни истар эдим. Маълумки, "Бобурнома" ўз маърифий, илмий, бадиий ва тарихий жиҳатларидан дунё адабиётида монанди бўлмаган, бутун дунёни забт этган асардир. Шу сабабдан, унга бўлган қизиқиш кун ўтган сайин ортиб бормоқда, турли нашрлар пайдо бўлмоқда, илмий тадқиқотлар яхши самаралар бермоқда. Жамғарманинг қилаётган эзгу ишларидан бири "Бобурнома"нинг фидойи ва жонкуярлари билан мустаҳкам алоқалар боғлашдан иборатдир. Маданиятимизнинг ана шундай фидойиларидан бири Японияда Киото университети профессори Эйжи Мано ҳисобланади. Эйжи Мано Бобурга ихлос қўйган олимлардан. Унинг ихлоси фақат сўзда бўлмай, балки амалий ишларда намоён бўлмоқда. Япон олими "Бобурнома"нинг илмий-танқидий матнини алоҳида нашр этдирди. Қомусий асар кўрсаткичларининг ўзи бир жилд бўлди, кейин, "Бобурнома"нинг японча таржимаси китоб бўлиб босилиб чиқди. Яқинда жамғарма номига Японияда Эйжи Манонинг янги, "Бобур ва унинг даври" деган тадқиқот китоби етиб келди.

Ҳиндистонлик шоир ва олим Қамар Раис "Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Шахс ва шахсият" номли янги китобини ёзди. Ушбу

китобларнинг тақдимоти анжуман иштирокчиларини бағоят мамнун этди. Албатта, ҳамма буюк "Бобурнома"нинг янги нашри тақдимотини кўтарди. Гап шундаки, жамғарма ҳомийлигида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти "Бобурнома"ни жаҳон андозаси ва талабларига жавоб берадиган даражада, ноширчилигимизнинг ютуғи деса ярашадиган савияда сифатли, гўзал безакларга бой ҳолда нашрдан чиқарди.

"Бобурнома"нинг шу пайтгача мукаммал илмий-танқидий матни яратилмаган эди. Бу ишни юқорида номи зикр этилган профессор Эйжи Мано амалга оширди. У бунга қарийб ўттиз йил умрини бағишлади. Янги нашрни тайёрлашда профессор Саидбек Ҳасанов ўзбек олимлари Порсо Шамсиев ва Содиқ Мирзаевлар томонидан 1948-1949 йилларда чоп этилган икки жилдлик "Бобурнома"га ва Эйжи Мано 1995 йилда эълон қилган илмий-танқидий матнга суяниб иш кўрди. Айни бир пайтда қомусий асар "Бобурнома"нинг Санкт-Петербург ва Ҳайдаробод нусхаларига солиштириб чиқилди. Нашрга илова қилинган кўрсаткичлар катта илмий аҳамиятга эга. Кишилар, жойлар, қавм-қабила ва насл-насаблар, ҳайвонот ва наботот олами номлари кўрсаткичлари, масал ва ҳикматли сўзлар, турли китоб ва рисолалар номлари асарни тушунишда, умуман, тарихимизни англашда холис хизмат қилишига ишонаман. Нашрга илова қилинган муборак мактублар, хусусан, "Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг махфий васияти", "Ҳазрати бобуршоҳ Ғозийнинг Ҳиндистондан Қандаҳорга саодатманд мирзо фарзандига (Комрон Мирзога) йўллаган хайрли ҳолномаси" каби тарихий аҳамиятга молик ҳужжатлар ўқувчида катта қониқиш ҳиссини уйғотади. "Бобурнома"нинг ушбу нашри маданиятимизда сезиларли воқеа бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Илмий-амалий анжуманда сўзга чиққан олим ва адиблар П.Қодиров, А.Қаюмов, С. Жалилов, Б.Алимов, А.Жузжоний, Б.Қосимов, Т.Низом, О.Холдор ва бошқалар жамғарма фаолияти, "Бобурнома" нашри ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Андижоннинг ҳурматли оқсоқолларидан Пўлатжон ака Қаюмов анжуман иштирокчиларига андижонликлар номидан миннатдорчилик изҳор этди.

— Заҳириддин Муҳаммад Бобур бирлаштирувчи шахс эди, — деди анжуманни якунлар экан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов. — Шу важдан ҳам ул зот улуғдир; у улкан маънавият соҳиби, ўз принципларидан ҳеч қачон чекинмаган халқимизнинг асл фарзандларидан биридир. Келаси йил Бобур Мирзо таваллудига 520 йил тўлади. Бутун дунё бу санага катта тайёргарлик кўрмоқда. Бобур Мирзо тантаналари чинакам байрамга айланиб кетишига асло шубҳа йўқ!..

Анжуманга тўпланган бобуршунослар, вилоят фаоллари жамғарма фаолияти, бобуршуносликнинг бугуни ва келажаги ҳақида маълум тасаввурга эга бўлдилар.

Шу ерда бир нарсага диққатни қаратмоқчи эдим. Жаҳонда илмий муомалада Амир Темур Кўрагонни "Тамерлан", бобурийлар империясини "Буюк мўғуллар империяси" деб аташ урф бўлиб кетган. Бу, албатта, шўролар даври қарашларининг касридир. Исмларни тўғри аташ маданиятлиликнинг юксак белгисидир. Ҳали ҳам, афсуски, шундай атамаларга дуч келиб турибмиз. Яқинда мен АҚШда нашр қилинган бобурийлар салтанатига бағишланган чиройли безакли китобни кўриб қолдим. Унда Бобур, Ҳумоюн, Акбарлар ҳақида сўз юритилади, барчаси "Буюк Мўғуллар" сифатида берилади, китобнинг номи ҳам худди шундай аталган. Ёки бошқа бир китобда Амир Темурни "Тамерлан" деб талқин этилади, ёнида "Тамбурлейн", "Тимур-ленк" каби изоҳлари ҳам бор... Ҳолбуки, Амир Темурнинг энг ёмон кўргани уни шундай сўз билан аташлари эди, у буни ҳақорат деб биларди. Бу муҳим муаммолардан бири, бунинг учун бир одам эмас, бутун илмий жамоатчилик бир бўлиб курашишимиз керак, деган фикрдаман.

... Бобур Мирзо боғидан қайтаётганимизда шоир ҳайкали ёнида чиройли манзарага кўзим тушди. Ёш келин-куёвлар ёнида дўст-дугоналари билан ҳайкал пойига гуллар қўйишмоқда, суратга тушишмоқда... Ҳа, халқ ўзининг буюк аждодига интилади. Анжуманда таъкидланганидек, ўзбек халқи бор экан, Бобур Мирзо мангу яшайди. Халқ эса улуғ фарзандининг "сўзини ўқуб, ўзини ёд қилишдан" асло чарчамайди.

ОРИФХОН ҲОТАМОВ

Ўзбек қўшиқчилик ва мусиқа санъати оғир жудоликка учради. 2002 йил 25 сентябр куни таниқли хонанда ва бастакор, Ўзбекистон халқ ҳофизи Орифхон Ҳотамов узоқ давом этган хасталикдан сўнг 75 ёшида вафот этди.

Орифхон Ҳотамов 1927 йилда Жиззах шаҳрида таваллуд топди. Ёшлигидан санъатга ҳавас қўйиб, устози Жўрахон Султоновдан сабоқ олди ва ўзининг ёркин истеъдоди билан эл-юртга танилди. Меҳнат фаолиятини 1944 йилда Муқимий номидаги мусиқали драма театрида бошлаб, кейинчалик Ўзбекистон радиоси қошидаги халқ чолғу асбоблари ансамблида, сўнг «Мақом» ансамблида ҳофиз-хонанда сифатида умрининг охиригача хизмат қилди.

О.Ҳотамов ижросидаги 100дан ортиқ қўшиқлар Республика радиосининг олтин фондига ёзиб олинган. Моҳир бастакор куй басталаган «Бўлмиш», «Бу оқшом», «Қоши ёсинму дейин», «Қаро бўлибдур», «Хуш кечар», «Ўтдиму» каби қўшиқлар бугунги кунда ёш ижрочилар томонидан севиб куйланмоқда.

Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори О.Ҳотамов тарбиялаган кўплаб шогирдлар бугун ўзбек мумтоз қўшиқчилиги ривожи йўлида баракали ижод қилиб келмоқда.

Устоз бастакор О.Ҳотамов миллий мусиқа санъатимизнинг чуқур билимдони, ёш истеъдод соҳибларининг меҳрибон мураббийси бўлиб, айни чоғда ўзига ва шогирдларига нисбатан талабчанлиги билан ажралиб турар эди.

Орифхон Ҳотамов ўзбек миллий санъати ривожига қўшган катта ҳиссаси учун «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи» фахрий унвонига сазовор бўлган, «Дўстлик» ордени билан тақдирланган эди.

Халқимизнинг севимли санъаткори Орифхон Ҳотамовнинг ёркин хотираси қалбимизда абадий яшайди.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзтелерадио» компанияси

МИРЗАЧЎЛ КУЗИ

Боши биринчи бетда

таъмин этиш, мамлакат иқтисодий қудратини юксалтиришга ҳисса қўшиш билан бирга, ёшларнинг савияси кўтариш йўллари, китобхонлик ва маънавий камолот масалалари ҳақида фикр юритди. Шундан сўнг ижодкорлар пахтакорларнинг, муаллим ва ўқувчиларнинг саволларига жавоб берди. Шу зайл ижодий учрашув қизғин мулоқотга айланиб кетди. Адабиёт ўқитувчиси Муқаддас Муҳсинова, пахта теримида пешқадамлик қилаётган ўқувчи қизлар — Зулайҳо Аҳророва, Нозикой Қаюмова, Шарофат Еттибоева, Зумрад Мирзиёевалар адабий мулоқотни давом эттиришиб, ўзларини қизиқтираётган масалалар ҳақида сўзладилар, китобларига, ён дафтарларига дастхат ёздириб олдилар.

Фермер Норбўта Сўпиев 15 гектар пахта майдонидан 28 центнердан ҳосил йиғиштиришга ахд қилгани ҳақида гапириб, ҳашарчи қишлоқдошлари айни кунларда бир теримнинг ўзидаёқ ҳар гектар майдондан 15 центнердан ҳосил териб бераётганидан мамнунлигини изҳор этди. Терилган ҳар бир килограмм пахта учун 28 сўмдан ҳақ тўланаётган экан.

Пахта даласида бошланган ижодий гурунг Гулистон Давлат университети талабалари ҳузурида давом этди. Университет талабалари ва профессор-ўқитувчиларининг навбатдаги илмий-амалий анжумани Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби Бегали Қосимов ва халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ижодига бағишланди. Профессор Қозоқбой Йўлдошев, Гулистон университети доцентлари Ваҳоб Раҳмонов, Умрзоқ Ўлжабоев, адабиётшунос олимлар Нурулла Аҳмедов, Адҳамбек Алимбеков, Гулистон шаҳар халқ таълими бўлими бошлиғи Орзибек Йўлчўриев ва бошқалар таниқли ижодкорларнинг бадиий ва илмий салоҳияти, яратган асарлари, халқимиз маърифати ва маънавиятига қўшаётган ҳиссалари ҳақида фикр юритдилар. Анжуманни университет ректорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи ўринбосари Равшан Маҳмудов бошқариб, талабалар ҳузуридаги қизғин мулоқот учун ижодкорларга миннатдорлик изҳор этди.

Жума оқшомидаги бу анжумандан қайтар эканмиз, Гулистон давлат университети талабалар шаҳарчаси узра ёқимли куй-қўшиқлар янграб, кўнгилларни хушнуд этарди. Бу мусиқа талабаларнинг бўлажак баҳс-суҳбати чорлови эканини унга шаҳар марказидан, талабалар уйларидан ёшларнинг гурас-гурас бўлиб келаётганидан англаб-билдик. Университет "Камолот" ёшлар клуби талабаларни ҳар ҳафта ана шундай қизиқарли мулоқотга чорлайди. Зукколар беллашуви, шеърхонлик, рақс ва ашула талабаларнинг кўнгилларини чоғ этиб, янги ижодий ва илмий парвозларга руҳлантиради. Душанба кунидан бошлаб эса талабаларнинг бундай қизиқарли мулоқотлари пахта далаларига, ширкат хўжаликлари марказидаги клублар ва дала шийпонларига кўчди. Талабалар етиштирилган мўл пахта ҳосилини йиғиштиришда хўжаликларнинг меҳнат аҳлига яқиндан ёрдам бериш билан бирга оқшомлари ўзларининг олтин дамларини безовчи учрашувлар, мулоқотларни ҳам асло канда қилмайдилар. Шоир айтганидек,

Улуғ меҳнат кезар шан далаларда,
Ҳар ёнда ҳоким бир ташвишли илҳом.
Куёш бота бошлар... гавжум қирларга
Қораяқорая тўшалар оқшом.
Эҳ, кузги оқшомлар...
Дилимда менинг
Теран туйғуларим қўзғалар жўшиб.
Қўзғалар-у, шу дам қалбимдан секин
Тўкила бошлайди ойдин бир қўшиқ.

М ЭШМУРОДОВ

Мен саёҳатга унча қизиқмайман, хорижда кам бўлганман. Аммо Сулаймон Юдаков яратган "Майсаранинг иши" операси Полшада ёки Мирсодиқ Тожиевнинг симфонияси Чехияю Словакияда ижро этилганини эшитсам, бир қоп семириб юрардим. 18-23 сентябр кунлари Тошкентда бўлиб ўтган III халқаро симфоник мусиқа фестивали олдидан қоғоз титиб ўлтириб, кўнглим янада кўтарилди: ушбу анжуманда мусиқаси тингланадиган республикамиз бастакорларининг асарлари яқин ўтган йилларда Франция, Англия, АҚШ, Россия, Германия, Миср, Голландия, Болгария, Таиланд, Корея, Туркия, Испания, Малайзия, Исроил, Покистон, Люксембург, Ҳиндистон, Япония каби катта-кичик мамлакатларда ижро этиб келинаркан.

Хусниддин ШАРИПОВ

ҚАНОТЛИ ОҲАНГЛАР

Учинчи халқаро симфоник мусиқа фестивалидан кейинги ўйлар

Яхши мусиқанинг қаноти бўлади, қолаверса, таржимонга ҳам эҳтиёж йўқ. Демак, бу асарлар ва уларнинг муаллифлари олисдаги минглаб, эҳтимол юз минглаб тингловчиларга диёримизнинг нафасини, юрагимиз депсинишларини, ҳуллас, ўзбек элининг завқу заковатини етказган, албатта.

Фестивалнинг кўлами, одатдагидек, кенг бўлди. Мусиқа байрами Ўзбекистон Президентининг оқ фотиҳаси билан қад кўтарган Ўзбекистон давлат консерваториясининг ҳашаматли биносидаги катта концерт залида бошланиб, пойтахтнинг гўзал санъат иншоотлари — Бадиий академия, Успенский номидаги мусиқа мактаби, Католиклар ибодатхонаси, Бастакорлар уюшмасининг саҳналарида давом этди, Самарқанд ва Жиззахни обод қилди.

Уларга баҳо бериш, тақриз ёзиш — мутахассисларнинг вазифаси. Мен оддий тингловчи сифатида гапни Ўзбекистон миллий симфоник оркестридан бошламоқчиман. Бир вақтлар Алексей Козловский, ҳатто (бир марта) Мутаваккил Бурҳонов бошқарган 90-100 кишилик оркестр концертларида бўлардим. Хаёлан таққослаб кўрсам, у асарлар гўзал, композиция жиҳатидан мукаммал бўлса-да, ўз даврига яраша сал соддароқ эди, конфликтсизроқ эди. Қай мавзуда ёзилганидан қатъи назар, бугунги мусиқани тинглар экансиз, ҳаёт анчагина мураккаблашиб кетганини, унинг ҳар бир қирраси ўз куйчиси томонидан қуюқроқ бўёқлар билан ифодаланаётганини ҳис этасиз.

Мана, Мустафо Бафоевнинг "Хўжа Насриддин ва Карменсита Бухорода" номли концерт-балети. Оркестр ижросидаги Хўжа Насриддин хиргойисига Карменнинг қандайдир ўзбекча нафас касб этган Хабанераси туташиб кетганда, бу диалог эса Мавриги мавжлари узра чайқалганида, куй тўлқини тингловчини ҳам ўз бағрига олади. Невит Кодалли (Туркия) ўзининг деҳқон тилидай содда ва нурли "Учар турна" сюитаси билан руҳингизни ёритса, тайландлик Атибхон Патарадетписаннинг Надежда Журавлева оркестр жўрлигида ижро этган "Сўнгги нафасни енгиллатувчи куй"ини тинглаб, инсон умри ҳақида ўйлагингиз келади. Худди шундай ўйчан асарлардан бири — Дилором Сайдаминованинг "Болалигим боғи". Мен кўпдан бери Александр Скрябиннинг ишқибозиман. Ўйимиз торлигидан, ҳеч кимга ҳалал бермасин деб, унинг "Прометей"ини эшикнинг ичидан қулфлаб эшитган вақтларим бўлган. Мен ҳозир Дилоромхонни Скрябин билан таққосламоқчи эмасман. Шу билан бирга, унинг оркестр ва икки фортепиано учун ёзилган ушбу мураккаб, жиддий, мусиқий баҳсдай янграган ва баҳс туғдириши мумкин бўлган асари билан танишгач, санъатимиз фикр, кечинма, ҳолатни тасвир орқали ифода этувчи услуб билан бойиётганидан хурсандлигимни айтмай ҳам туролмайман.

Умуман, баракалла, бастакор қизлар!

Қозоғистонлик меҳмон, Ню-Орлеан университетининг композиция бўйича магистранти Хадича Оналбоевани, фортепиано учун ёзган "Садолар"ига қараб, ўз қадрини билган, меҳрли санъаткорлар қаторига қўшгим келади. Бу қатордан жой олган Ойдин Абдуллаева (фортепиано учун "Фантазия"), Замира Миралимова (фортепиано учун икки пиеса), Армуғон Низомиддинхўжаева ("Симфоник достон"), Улбиби Абдуллаева ("Вокализ") каби қизларимизнинг ижодларидан баҳраманд бўлиб, қолаверса, уларнинг Бастакорлар уюшмасининг бекасидай яйраб-яшнаб юришларини кўриб, баҳрингиз очилади.

Афсуски, мен фестивалнинг ҳамма концертларини кўриб улгурмадим. Кўрганларимдан хулоса шуки, сўнгги йилларда нозик ҳиссиётлар қуйчиси бўлмиш хонаки мусиқа санъати яхши суръат билан ривожланганга ўхшайди. Ривож эса, ҳар қандай соҳада ҳам, парваришга боғлиқ.

Давоми тўртинчи бетда

ЎЧМАС ИЗЛАР

Ёднома

Яқинда газеталарнинг сўнгги саҳифасида берилган таъзияга кўзим тушиб, кўнглимнинг бир нозик тори узилгандек бўлди. Тўғриси, кўзларимга ишонмадим. Наҳотки, шу рост бўлса? Таниқли кимёгар олим, Тошкент давлат автомобил йўллари институтининг кафедра мудири, ажойиб инсон Шавкат Абдуллаев дунёдан кўз юмибди... У фан оламининг чинакам фидойиси эди. Дастлаб фармацевтика институтини битиргач, Фанлар академиясининг Кимё институтига ишга келди. Бу ерда бўлажак олим полимерлар кимёси соҳасида тадқиқот олиб борди. Кўп ўтмай унинг тинимсиз изланишлари самара бериб, халқ хўжалиги учун ғоят зарур бўлган янги полимер моддаларни ажратиб олишга муваффақ бўлди. Бу моддалар қурилиш саноатида ишлатиладиган бинокорлик материалларининг чидамлилигини оширишда жуда қўл келди. Ҳозир олим томонидан ажратиб олинган ва ишлаб чиқаришда қўллаш технологияси яратилган пластификатор-ВРП-I ва бошқа моддалар саноатимизда кенг қўламда фойдаланилмоқда. С-I, ПР-I сингари сувда эрувчи пластмассалар ишлаб чиқаришнинг янги чиқитсиз технологияси ҳам олимнинг илмий изланишлари маҳсулидир.

Шавкат Абдуллаев ўз халқини севган, унинг заҳматларини енгиллатишга бел боғлаган ва бу йўлда муайян самараларга эришган олим эди. Хусусан, у экишдан олдин чигитни заҳарли моддалар билан ишлаш технологиясини мукаммаллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиб, экологик жиҳатдан зарарсиз ва одамлар соғлигига зиён келтирмайдиган усулларни таклиф этди. Бу чигитни полимер моддалар билан қобиқлаш (ғўлаклаш) усули эди. Селекционерлар, тажрибакор пахта усталари олимнинг бу янгилигига ҳам юқори баҳо беришди. Полимер қобиқ уруғни ҳаво ҳарорати кескин пасайиб кетганда совуқдан асрайди. Намни ўзига жуда тез тортиб олиши эса ҳарорат ҳаддан ташқари тез кўтарилган пайтларда ҳам чигитнинг бир текис униб чиқишини таъминлайди. Чигитни экишдан олдин заҳарли фентиурам моддаси ўрнига безиён полиокс билан ишланиши эса ҳар йили халқ хўжалиги учун миллионлаб сўм маблағни тежаш имконини беради.

Олимнинг ишлаб чиқаришга жорий этган бундай янгиликларини санаб адоғига етиш қийин. Чиқитдан олинадиган ва бинолар мустаҳкамлигини таъминлайдиган, айни пайтда экологик мувозанатни сақлашга хизмат қиладиган моддалар, табиат муҳофазаси, инсон соғлиги йўлидаги "полиокс", полимер чигит, занглашга қарши моддалар, энергия тежамкорлиги йўлидаги изланишлар... Шавкат Абдуллаев бу борада бир фидойи инсон сифатида тинним билмай меҳнат қилди. Янги моддаларни кашф этибгина қолмай, уларни чиқитлардан, бошқа моддалардан ажратиб олиш ва, шунингдек, халқ хўжалигида фойдаланиш усулларини ҳам ўзи яратди. Унинг тадқиқотларига хорижда ҳам, хусусан, АҚШ, Россия ва бошқа мамлакатларда ҳам қизиқиш катта эди. Менделеев номидаги "Ўзбекистон кимё жамияти" ва мамлакат ёшлар мукофотлари соҳиби, техника фанлари доктори Шавкат Абдуллаев 170га яқин полимер ва материаллар яратди. Фан оламидаги изланишлари 370дан ортиқ патент ва муаллифлик гувоҳномалари билан тақдирланди. 80дан ортиқ мақола ва китоблар эълон қилди. Кўплаб кимёгар олимлар тайёрлашга ҳисса қўшди.

Шавкат Абдуллаев илмда осон йўлдан бормади. У ҳамиша ўзини қизиқтирган бирор янгилик устида қаттиқ меҳнат қилар, изланишлари самарасини тезроқ кўришни истарди. Олим бутун умри давомида ана шу ақидага амал қилди. Шунинг учун ҳам у, узоқ яшамаган бўлсада, ўз соҳасида жуда кўп иш қилишга улгурди. Илм соҳасида эътибор қозонди. Ҳамкасбларининг ҳурматига сазовор бўлди. Дўстлар орттирди. У ёш олимлар ва талабаларнинг меҳрибон ва айни пайтда талабчан устози эди.

Олим бутун умри давомида эътиқод билан яшади. У фанимизни равнақ топтиришга, катта илмий кашфиётларга қодир истеъдод эгаси эди. У табиатни асрашга, экологик мувозанатни тиклашга, муҳитни мусаффолаштиришга бевосита самарали таъсир этадиган кўплаб янгиликлар устида иш олиб бораётган эди.

Афсуски, бевақт ўлим Шавкат Абдуллаевни айни ижодий куч-ғайратга тўлган, у яратган кашфиётлар фанимиз равнақига катта ҳисса қўшаётган бир пайтда орамиздан олиб кетди. Энди фақат бир нарса дилга тасалли беради. У ҳам бўлса, Шавкат Абдуллаевнинг ўз халқини севувчи бир фидойи инсон сифатида дўстлари ва ҳамкасблари, шогирдлари қалбида қолдирган порлоқ хотирасидир. У амалга оширишга улгурган улуғ ишлар — яратган янгиликлари, шогирдлари, орттирган дўст ва қадрдонлари олимнинг ҳаётда қолдирган ўчмас изларидир. Бундай нурли излар қолдирган инсонларнинг номи асло унутилмайди.

М. АБДУЛЛАЕВ

Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги олдидан

АДИБ МАКТАБИ

Киши ҳарқанча билимли, ҳарқанча доно ва қудратли бўлмасин, ўз халқига, юртига манфаати тегмас экан, у тарихда қолмайди, буюклик арғумоғига минолмайди. Бу тарихда синалган, исбот талаб қилмайдиган гап. Ўзбек халқининг атоқли шоири, истеъдоду тинимсиз меҳнати, фидоийлиги билан буюклик арғумоғига минган, унутилмас устозимиз Ғафур Ғулом ҳақида сўз айтишнинг масъулияти катта. Зотан, бугунги кунга келиб, устознинг шогирдлари кексайиб, навқирон ёш қаламкашлар кўпайди. "Сизлар космоса парвоз этсангиз елкамни тутиб бераман", деган паҳлавон Ғафур Ғулом наинки адабиётимизни, унинг ўсиб келаётган ёш бўғинини ҳам жондан ортиқ севарди.

"Сизларнинг кўзингиз билан ватаним жамолини, унинг келажагини кўриб тураман", дерди буюк устоз. У зот пайғамбар ёшида дунёдан ўтдилар. Асарлари, китоблари биз билан қолди. Унинг олижаноб сиймоси, ҳеч ўхшаши йўқ Ғафурона табассуми, лутфу ўйчанлиги, заҳматкашлиги, ҳазил-мутойибани ёқтириши, риндлигию одоби, Навоий ва Бедилона фалсафий фикрларга бойлиги ила кўз олдимизда доимо тирик. Келаси йил, ўнинчи май куни таваллудларига юз йил тўлади.

Ўттиз еттинчи йил... Халқ севган "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" романлари муаллифи Абдулла Қодирий қамалди. Забардаст қаламкашлар Тавалло, Чўлпон, Элбек, Усмон Носирлар ҳам қамалиб, отилиб кетди. Адабиёт боғимиз ҳувиллаб қолди. Шу йили А.С.Пушкин юбилейи бошланиб, унинг асарларини ўзбек тилига таржима қилишга киришилди... Шу даврда Ғафур Ғулом таржима устида ҳамда Навоийнинг "Чор девон"и устида ишлади. Мирзо Абдулқодир Бедил мактабига кирди; ўзи ҳам "Боғ" аталмиш гўзал шеърини анъанавий аруз вазнида яратди.

"Пролеткултчилар" ҳукмронлигида шеъриятдан қардошлик, инсонийлик, ватан севгиси, юртга фидоийлик, халқимизнинг мислсиз бой ва қаҳрамонона тарихи, жаҳон адабиёти мавзулари унутилди, мумтоз адабиётимиз — "феодал адабиёти" деб четга итқитилди, халқ оғзаки ижодиёти ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Шу бўғиқ, нафас олиш қийин бўлган замонда адабиёт майдонига Жалолиддин Мангуберди монанд шижоат билан уч баҳодир кириб келди. Улар Чўлпон, Ғафур Ғулом ва ёш Усмон Носир эдилар. Шу уч шоир ўзбек шеъриятини баланд пардаларда янгратди. Бу, бошқа истеъдодли шоирлар йўқ эди, деганим эмас, ўнлаб яхши шоирлар номини айтиб ўтмоқлик мумкин, аммо бу уч шоир чўққи эди.

Қалбан ғоятда камтар, аммо билими дунё қадар кенг инсон, "Бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд..." мақолини кашф этган севикли муаллимимиз Ғафур Ғулом атрофида ёшу қари, жуда кўп қалам сиқиблари тўпланди.

Ғафур аканинг салмоқли асарлари дунёга келган, "Шум бола", "Ёдгор", "Тирилган мурда", "Соғинч", "Вақт", "Кўкан", "Сен етим эмассан", "Самарқанд шеърлари", "Турксиб йўлларида", "Йигитларга" ва бошқа бадиий жиҳатдан ғоятда етук асарлари халқимизга етган кезларни эслайман.

Ёшларнинг яхши асарларини ўқиб, устоз ғоятда хурсанд бўлардилар, "Офарин! Шеър мана бундоқ бўлур", дердилар. Бу сўз ёш ижодкорга катта кучу қудрат, илҳом бағишларди.

"Ҳалимаси ҳам Сораси бўлган санъатим, юрагимнинг бир пораси бўлган санъатим..." мисраларини айтган Ғафур Ғулом эди. Ўзбекнинг беназир раққосаси, Мукаррамахоним Турғунбоева ҳам Ғафур Ғулом юрагининг "бир пораси" эди. Бу санъаткор ҳақида Жавоҳарлаъл Нерунинг "Мирзо Бобур мамлакатимизга қурол билан келди-ю аслида унинг маданияти, салоҳиятини оширди", Мукаррамахоним ўз санъати билан бизни фатҳ этди...", дегани Ғафур акани кучли ҳаяжонга солгани, мақолалар ёзгани ҳамон ёдимизда.

Устознинг Бешёғочдаги кўркам ҳовлисида барча қардош халқларнинг атоқли шоиру адиблари кўп бор бўлишган, унутилмас Муҳаррамхон аямиз ўзбекона меҳмондўстликни ғоятда ўрнига қўярдилар, саховатли бу хонадоннинг донғи узоқ Лотин Америкаси ва Ғарбдан то экваторларгача етган, десам муболаға бўлмайди.

Анча йиллар бурун Ғафур Ғулом хонадонида яшаган ҳинд адиблари Сингҳларнинг айтишича, Каликатада (Калкутта шаҳри) буюк Рабиндранатх Тагор ўз ҳовлисида адиблар мактабини очгани, бу нафосат мактабидан кейинчалик инглиз мустамлака сиёсати таъсирига кирмаган машҳур қалам соҳиблари чиққанини айтишган эди. Ўттизинчи йилларда Чўлпон ва Ғафур Ғулом Рабиндранатх Тагорнинг дилнавоз шеърларини ўзбекчага таржима этишгани адабиётимизда сезиларли воқеа бўлган. Икки буюк шоиримиз яқин дўст бўлишган. Устоз Чўлпон Ғафур Ғуломга бағишлаб шеър ёзган, бу шеър унинг "Соз" китобида босилган. 1936 йил охирларида камина тил ва адабиёт ўқитувчимиз Самад Аҳмадий ва бошқалар билан ТошМИ клиникасида хаста ётган Чўлпон домлани кўриб, суҳбатлашганимиз ҳақида матбуотда ёзган эдим. Шу суҳбатда устоз Чўлпон Ғафур Ғулом ҳақида ниҳоятда илиқ сўзлар айтиб, "Шеъриятимизнинг забардаст шоири" дегани ҳамон ёдимда.

Ёзувчиларнинг дастлабки қурултойида Ғафур Ғулом Ўзбек халқ оғзаки адабиёти ҳақида катта маъруза қилди. Бу жуда муҳим илмий-ижодий иш эди. Биринчи бор асрий достонларимиз — "Алпомиш", "Гўрўғли", "Кунтуғмиш"лар хусусида адолатли, чуқур илмий гап айтилди. Менинг назаримда, шу фикрлар сабаб бўлиб ўн йиллар давомида халқ оғзаки адабиётимиз жонланиб, машҳур бахшилар Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Ислом шоир, Нурали шоир ва бошқа бахшилар юзага чиқди, ижодлари ўрганила бошланди. Албатта, Ғафур Ғулом ёнида фолклорчи олим Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Жирмунский, кейинроқ Тўра Мирзаевлар бор эди, уларнинг хизмати ғоятда буюк.

Ғафур Ғулом донгдор шоирлигидан ташқари, доно ва меҳрибон ота эди. Унинг фарзандлари, жиянлари ўқимишли, халқ ишига фидокор инсонлар бўлганини айтмай илож йўқ. Фарзанд тарбияси ҳам унинг ижоди, алломалиги билан баробар турди. Устознинг севикли қизи Олмосхон — адиба, адабиётчи, ота чироғини ёқиб ўтирибди, ўғиллари, жиянлари аниқ фанлар бўйича академиклардир, улар фанимизга катта ҳисса қўшмоқдалар. Улар ичида давлатимиз арбоблари ҳам бор.

Буюк адиб ижоди мустақиллик даврида кенг ўрганилмоқда, қайта-қайта нашр этилиб, шоир номи абадийлаштирилди.

Олтину ғавҳар зангламаслиги ва ҳеч қачон айнимаслиги билан ноёбдир. Беш фазилат устоз қалбини офтоб қилиб, шундан унинг сиймоси нурланиб турарди: бу — Ватанга садоқат, ҳаётга қаноат, меҳнатда матонат, дўстлар аро адолат ва халқ иродасига шижоат... У буюклик арғумоғига минди, авлодлар қалбида абадий яшайди.

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ОНА ТУРОНИМ

Абдулла ШОНОСИР

Биз — Озод Ватаннинг ўғил-қизимиз,
Шоду хуррамликдан қўнгиллар масрур.
Ватаннинг қўлида мудом измимиз,
Унинг камолидан дил тўла ғурур.

Бахт учун курашди боболаримиз
Таъқиб-сургунларда ютсалар-да қон.
Илтижо айлабон момоларимиз
Тилашди мустабид тузумга қирон.

Сибир ўрмонию узоқ Магадан
Тупроғида ётар шаҳид кеттанлар.
Насиб этмади, оҳ, ҳаттоки кафан,
Бежаноза кетди Ватан деганлар.

Яраттанга шукур, озодмиз, озод,
Эркинлик дояси эрур истиқлол.
Аждодлар руҳи ҳам бахтимиздан шод,
Ёр бўлсин бизларга саодат, иқбол.

Ўзбекона — миллий ёруғ йўл ила
Ёркин келажакка ташлаймиз қадам.

Самовий юлдузлар йўлдош йўлингга,
Толеъинг юксакдир, бетакрор ўлкам.

Тилагим: яшнайвер асрлар оша,
Қувончим, ишончим — Ўзбекистоним!
Эзгулик ҳамроҳинг бўлган ҳамиша
Меҳри дарё юртим — она Туроним!

* * *

Гўзал боғинг боғбониман,
Гуллар экай йўлларингга.
Карвонинг алп сарбониман,
Измим бердим қўлларингга.

Аста қадам қўйсанг агар,
Латиф изинг туробиман.
Лайлу-наҳор лим-лим тўлар
Қадаҳларинг гулобиман.

Таҳсинига ҳусн-жамолинг
Тополмай сўз, гирёнаман.
Беқиёсу сарв камолинг
Васлин истаб бирёнаман.

Айлагил қулингга тараҳҳум,
Ошиқ қўнглинг армониман.
Кўз ўнгимда бўлсанг тажассум,
Висол онлар дармониман.

Пешвоз чиқиб, қутсанг магар,
Қутлуғ қасринг меҳмониман.
Ҳабиб бўлиб умрим қадар,
Ишқ кошонанг дарбониман.

Қўриш-чун оразинг зарифин,
Азмида мудом ювораман.
Айтайин зоримни қай бирин,
Нотавон, ноком, бечораман.

Эй, Абдулла, бўлиб ҳижолат,
Дема, ашқдин дили пораман.
Ҳақ дер: — истиғфор этсанг, албат,
Ҳар эмгакка ўзим чораман.

ҲАЁТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Маълумки, поэтик асарнинг бадиийлик даражаси, мукаммаллигини мавзуси белгиламайди. Шеъриятнинг кўп асрлик тарихи ушбу ҳақиқатни тўла тасдиқлайди. Аммо адабиёт, жумладан, шеъриятда шундай мавзулар борки, улар шоирдан теран ёндашув ва самимий муносабатни талаб қилади. Булар Она, Ватан, Севги каби муқаддас мавзулардир. Бу ҳол, айниқса, ўзбек лирикаси вакилларининг ижодида яққол кўзга ташланади. Абдулла Орипов ижодида она-Ватан, она-табиат, она мавзуида ёзилган шеърлар анчагина. Шоирнинг она тўғрисидаги барча ҳис-туйғулари, фикрлари қуйидаги поэтик иқроридан сув ичади:

Нетай, онажоним, қанча одам кўрдим,
Сендан яқин кишим йўқ экан...

Шу ўринда Абдулла Орипов ижодидаги бир хусусиятни қайд этиш лозим. Яъни шоир ўз шеърларида фақат поэтик воқелик (лирик вазият)нинг ўзи ва ғамгин туйғулари изҳори билангина чекланмайди. Шоир — бу унинг учун қанчалик оғир бўлишидан қатъи назар — онасига илгариги муносабатини очиқчасига, ўзбек шеърияти тарихида биринчилардан бўлиб ўкинч билан тан олади. Буни Абдулла Ориповнинг беқиёс поэтик жасорати дейиш мумкин. Машҳур "Онамга хат" шеъридаги поэтик иқрор ҳам нафақат ўз даври, балки умуман ўзбек шеърияти учун янгилик, янгича ёндашув эди:

Қайттим келди, онам, ёнингга,
Юрагимда исмсиз дардлар
Совуқ хонам, соат чиқ-чиқи,
Ташқарида хазонрез боғлар,
Ёмғирнинг жим хониш қилиши...
Бариси ҳам нечундир бу дам
Туширмоқда сени ёдимга...
Қайттим келди, онам, ёнингга.

Шеърдаги мазкур поэтик киришда ҳам, бутун асардаги каби, онанинг поэтик портрети берилмайди. Чунки шеърнинг поэтик мантиқи шуни тақозо қилади: она образи шоир кечинмаси — ғамгин соғинчни ифодалаш учун восита бўлиб хизмат қилади.

Ушбу шеър 1963 йили битилган бўлиб, шоирнинг илк лирикасини ташкил этган асарлар сирасига киради. Болаликдаги идеалларининг пуч бўлиб чиқиши ("Сароб" шеърини эсланг), инсон билан инсон ўртасидаги азалий узоқлик ёш шоирнинг маънавий-руҳий оламида ғамли асоратлар қолдиргани шубҳасиз. Лирик қаҳрамон шуларни билгани ҳолда бунга ишонгиси келмайди: у инсонни илоҳий мавжудот сифатида кўришни истайди. Шу сабаб ўз дардларини очиқчасига айтмоқчи эмас: "**Юрагимда исмсиз дардлар**". Ана шу исмсиз дардларнинг зил юки — шеърнинг биринчи қисмидаги умумий кайфият — ёлғизликни белгилайди. Куз иқлимининг лирик қаҳрамон кайфиятига уйғунлиги "совуқ хона", "хазонрез боғлар", "соат чиқ-чиқи" образлари ёрдамида деталлаштирилади. Эътибор билан ўқилса, шеърнинг дастлабки икки тўртлигида шоир ўз туйғулари тўғрисида жиндай "олисдан", четроқдан, юқоридан туриб сўзлаётгандек таассурот уйғониши мумкин. Аммо кейинги тўртликнинг самимийлиги, қайси бир маънода шафқатсизлиги бу камчиликнинг ўрнини босиб кетади:

Юрагимни очиб гапирсам
Кам-кам бўлар менда бундай ҳол.
Шодмон юрсам, менинг ёдимга
Сен тушмайсан ростдан онажон.

Онанинг муқаддас сиймоси қошида шоир ҳар қандай шартли қадриятлардан юқори туриб, ўзидаги камчиликни поэтик жасорат билан тан олади.

Инсон ўзига биринчи паноҳни онасидан топади. Шу паноҳ ва она меҳрини у бутун умри давомида қалбида сақлайди. Инсонда ўзига паноҳ исташ, кимнингдир далдасини ҳис қилиш туйғуси, ҳисси жуда барқарор. Бу туйғу, айниқса, инсон ёлғиз қолган пайтларда, сохта дўстлар атрофингдан кетиб, садоқатли дўстларинг йўқлиги маълум бўлган пайтларда ўз кучини баралла кўрсатади. Жами инсонларга хос ушбу хусусият буюк шоирларга нисбатан қўлланганида янада ўзгача манзара аён бўлади. Яъни буюк инсонлар яна ҳам ёлғиз бўладилар. Чунки буюк инсонга дўст бўлиш учун ўзингда ҳам ўша буюкликдан нимадир бўлиши керак.

Инсонга хос барча сифатлар лирик қаҳрамонда ҳам мужассам. Шу сабаб у юрагидаги дардини фақат онасига тўкмоқчи ва бу табиий ҳол:

Ногаҳоний бундай ҳолдачи
Шундай кўргим келади сени.
Айтсам сенга бор гапларимни
Орзуларим, ҳасратларимни,
Йиғлаб, кулиб айттим келар, ҳа,
Одамларнинг қадру қимматин,
Англамаймиз бирга бўлганда,
Аммо ногоҳ узоққа тушсак,
Ё танҳолик ҳасратин чексак,
Баъзан шундоқ,
Одам зотининг
Тирноғига зор бўламиз, ҳа.

Шеърият асли қарама-қаршиликлар бағридан сув ичади. Юқоридаги парчада шоир кечинмаси контраст образлар воситасида янада таранглашади. Шоир ким тўғрисида ёзмасин, қандай воқеа-ҳодиса ҳақида шеър битмасин, ўзини ўша кишилар ҳаёти ва ўша воқеа-ҳодисалар жараёнига бегона сезмайди. Айтмоқчимизки, шоирнинг лирик қаҳрамонлари қалбида ёмонликнинг ҳар қандай кўринишига чексиз нафрат билан бир қаторда ҳаёт фожиалари гирдобида ўзини йўқотган ҳар бир мавжудот қисматига буюк бир шафқат ҳисси бор. Бунда шоир Алишер Навоийнинг "Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай, Онча борким Каъба вайрон бўлса обод айлагай" байтида ифодаланган инсонпарварликка амал қилади.

Энди "Онамга хат" шеърига қайтсак, Абдулла Орипов ижодига хос яна бир хусусият — шеърий материални бутун шеърга бир хилда, меъёрида тақсимлаш санъати бу асарда ҳам ёрқин кўринади. Бошқача айтганда, Абдулла Ориповнинг шеърлари, кўпинча, "қиссадан ҳисса" тарзида ёзилмайди.

"**Тушунмайман бул ҳақиқатни**" мисраси ўз маъносига кўра, олдинги мисраларга боғланса-да, кейин келаётган сатрларга ҳам алоқадор. Ёлғизликда ҳатто бегона кишининг суҳбатига зор бўлган инсон унга дунёдаги энг яқин кишиси — онаси қадрига вақтида етмаслигининг сабаби нимада? Лирик қаҳрамонни қайғули кечинмалар исканжасига олган нарса ҳам аслида шу ҳолат. Шеър шундай давом этади:

Тушунмайман бул ҳақиқатни,
Сен-ку ахир онасан, она...
Она, ранжимагин хатимдан,
Мен ростини ёздим, шод дамим.
Сен тушмайсан асло эсимга,
Аммо умр ўзи, биламан,
Солар сени ёдимга бот-бот,
Яъни бошимизни доим ҳам
Она бўлиб силамас ҳаёт.

Абдулла Ориповнинг лирик қаҳрамони "Онамга хат" шеърида ҳаёт жумбоқларидан бирига жавоб топгани йўқ. Фақат шеърдаги ҳаётга жиддий муносабат унда қоида ўлароқ шаклланди. Мен ушбу шеърни шоирнинг ўз романтик ёшлиги билан хайрлашув ва жиддий ҳаётга қадам қўйиш чегарасида битилган асар, деган бўлар эдим. "Қанотлари зил" (Абдулла Орипов метафораси) айрилиқ, гарчи олдинда бўлса-да, лирик қаҳрамон ҳаётнинг ўйинчоқ эмаслигини юрақдан ҳис қилади ва унинг бутун масъулияти олдида онаси сиймосидан маънавий мадад, қувват сўрайди. Шу тарика "Онамга хат" шеъри Абдулла Орипов ижодидаги бурилиш нуқтасида туради, дейиш мумкин.

Жамолиддин ТУРДИМОВ,
Алишер НАВОИЙ номидаги
Тил ва адабиёт институти илмий ходими

ГАНЖАЛИК ДАҲО

Буюк озарбойжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавийнинг номи асрлар оша яшаб келмоқда. Бунинг асосий сабаби — у яратган беш достондан иборат "Хамса" шеърий эпопеяси барча замонларнинг боқий китоби, инсониятнинг доимий ҳамроҳига айланиб қолганидадир. Устод Мақсуд Шайхзода ганжалик буюк сўз санъаткори ва унинг ўлмас достонлари ҳақида шундай деб ёзганди: "Низомийнинг "Хамса"си ҳақиқатан ҳам жаҳон адабиётининг олтин фондида энг шарафли бадиалардан биридир. У Яқин ва Ўрта Шарқ адабиётларида романтик эпосни яратди. У биринчи марта ўлароқ бадиий манзум поэзияга янги ва оригинал сюжетларни киргизди. У улуғ маҳорат билан киши руҳини, ички дунёсини буюк психолог сифатида таҳлил қилди. У ўрта асрларнинг музлим кечасида ақл, инсоф, билим, севги, ҳалоллик, тўғрилик, вафо ва меҳнатнинг нуроний машъаласини ёқди".

Даҳо сўз соҳиби "Хамса"ни ўз она тилида эмас, балки замонасининг таомилига кўра, форс тилида ёзди. "Хамса" бутун дунёга ана шу тилда машҳур бўлди... Улуғ донишманд шоир бундан бошқа йигирма минг байт шеърдан иборат лирик девон ҳам тартиб бергани тазкираларда қайд этилган.

Шеърият шери (Навоий) Низомий асарлари ўзбек халқи маданиятининг ажралмас қисмига айланиб кетган. Яқинда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида шу олий ўқув юрти ҳамда Эрон ислом республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан буюк озарбойжон шоири ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўтказилган илмий-адабий анжуман фикримизнинг яна бир далилидир.

Илмий анжуманни университет ректори профессор Б.Қодиров кириш сўзи билан очди. Эрон ислом республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳусайн Нароқиён "Низомий абадияти" мавзуида маъруза қилди. Доктор Иброҳим Ҳудоёр (Эрон), адабиётшунос олим Ёқубжон Исҳоқов, профессорлар — Абдуқодир Ҳайитметов, Ҳамиджон Ҳомидий, Боқижон Тўхлиев маърузалари ҳам қизиқиш билан тингланди.

Конференцияда Озарбойжон республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ходими Сурхайл Алиев нутқ сўзлади. Университет талабалари Низомий шеърларидан ўқидилар.

Йиғилишда ўқилган маърузаларни тўплам ҳолида чиқаришга қарор қилинди.

С. МАҲМУД

Бадиият ва назария

ҲУДУДСИЗ ЖИЛВА

Башарият тарихи ўзининг ибтидо ва интиҳо кўлами билан бир инсон умрига тенгдир, деган қараш кўпчиликда эътироз уйғотиши табиий. Бироқ ягона шахс (бундан сўнг, мавзу тақозосига кўра, **индивидиум** шаклида қўллаймиз) умри моҳиятан умуминсоният (бундан кейин **универсум** шаклида қўллаймиз) ҳаётининг микромакети, деган фикрни, лоақал гипотеза тариқасида, қабул қилишга тайёр кишилар борлигига шубҳа йўқ. Шундай экан, фалсафа, эстетика, психология ва адабиётшуносликда мустақил концепция (йўналиш, оқим) сифатида қабул қилинган сонсоноқсиз "изм"ларнинг асоси қаерда, деган саволга ҳам иккиланмасдан юқоридаги таърифга суяниб жавоб бериш мумкин. Яъни "изм"ларнинг инсоният тарихи негизида майдонга келгани қанчалик рост бўлса, ҳар қандай индивидиум ҳаёти барча "изм"лар учун асос бўла олиши ҳам шунчалик ҳақиқатдир. Ҳар ҳолда, универсиум ҳаёти индивидиум ҳаётида инъикос топганидек, ҳар қандай индивидиум мазмун-моҳиятида универсиумга хос мазмун-моҳият ётиши тайин. Ҳатто англанган, босиб ўтилган тарихга нисбатан индивидиум дунёси кенгроқ ҳам. Сабаби тарих — догма, одам дунёси эса ўта сержилва ва, энг муҳими, функционал моҳиятга эга. Зеро, унга хос функционалликнинг интиҳоси йўқ. Абсурд фалсафаси ва адабиёти ушбу ҳудудсиз жилванинг нозик бир шуъласидан бошқа нарса эмас.

Умуман, абсурд тушунчаси башарият миқёсидаги ҳодиса. Шу нуқтаи назардан абсурд на макон, на замон чегараларини тан олади. Абсурд инсоният ва борлиқ, инсон ва жамият аро муносабатларнинг оқибати ўлароқ майдонга келади. Унинг моҳиятида инсоннинг муайян замон оралиғида якун топувчи абстракт хулосалари ётади. Бир сўз билан айтганда, ҳаётнинг маънисизлиги, яшашга арзимаслиги ҳақидаги кечинма, туйғу ёки фикр-қарашлар — абсурддир.

Инсоннинг абсурдга "эҳтиёжи", мойиллиги ўзгармас қимматга эга. Яъни абсурд туйғу бундан миллиард йил илгари яшаган одамда қай даражада бўлган бўлса, бугунги одамда ҳам бундан ортиқ эмас. Абсурднинг индивидиум ёки универсум онг ва онг остида намоён бўлиш даражаси эса бевосита вазият, шарт-шароит билан боғлиқ. Йирик мутафаккир, файласуф Эрих Фромм инсон онг ости руҳий жараёнлари, генетик ва антропологик хусусиятларини тўла ҳисобга олган ҳолда, инсонда ҳаётга муҳаббат туйғусини шакллантирувчи уч муҳим табиий-ижтимоий омилни алоҳида таъкидлайди. Булар кенг маънодаги **хавфсизлик, адолат, озодлик** тушунчаларидир. Фроммнинг фикрича, психобиологик, физеогенетик омиллардан қатъи назар, инсон ва ташқи олам муносабатида шу уч омил етишмас экан, умр кўрсаткичи биофил (ҳаётга муҳаббат) томон эмас, балки некрофил (ўлимга муҳаббат) томон йўналади. Демак, абсурднинг кечинма ва туйғу, фикр ва дунёқараш сўзларида ифода топувчи замон чегаралари руҳ ва вужуд, онг ва материя уйғунлигида кечадиган жараёнлар ҳосиласидир. Шунга кўра, абсурд замон ва лаҳзадан давр (эпоха)гача, даврдан инсон умригача бўлган ўлчамга тақрибан тенг бўлади.

Абсурд инсон умрининг ҳар қандай замонида ва маконида, шунингдек, ҳам индивидиум, ҳам универсум ҳаётининг исталган нуқталарида пайдо бўлиши мумкин. Зотан, инсон табиатан қанчалик улуғвор бўлса, шунчалик майда ҳамдир. Даҳшатли бўронларга, турмушнинг оғир синовларига мардона бардош бера олган Ер аҳлоди баъзан мушугининг бехосдан ўлгани боис "ҳаёт яшашга арзимайди", деган хулосага келиши мумкинки, бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ. Ва бу одам онгида ана шундай туйғу етакчи бўлган давр, вақт оралиғи унинг учун абсурддир. Бу абсурд туйғу бошқа мушук асраб олиш, қайғуни унутиш, ҳар турли қизиқарли нарсаларга чалғиш орқали якун топишига шубҳа йўқ. Муҳими шундаки, мазкур ҳолат абсурднинг нисбатан узоқроқ давом этадиган шаклларига ҳам бирдек тегишлидир. Бинобарин, энг узоқ давом этган абсурд ҳам, нари борса, бир инсон умрига тенг бўлиши мумкин. Демак, абсурд муайян субъектга нисбатан объект бўлганидек, маълум объектнинг субъекти ҳамки, унинг барқарорлиги руҳ ҳамда вужудда кечадиган мураккаб жараёнлар билан боғлиқ.

Экзистенциализм фалсафаси абсурд тушунчасини замон ва макон нуқтаи назаридан мутлоқлаштиришга, унга боқийлик тусини беришга уринади. Луғавий маъноси "мавжудлик" (exsistentia — мавжудлик, борлиқ, ҳаёт) бўлган бу фалсафа ҳаётнинг маънисизлиги, яшашга арзимаслигини талқин этувчи таълимот ҳисобланиб, бундай талқиннинг асл моҳияти абсурдизмда ҳадди аълосига етади. Экзистенциализм таълимотига кўра, "ўз ҳолига ташлаб қўйилган", "яратилгану унутилган", яъни мутлоқ "озод" инсон ўзининг мавжудлигини индивидуал функцияси (борлиги — экзистенцияси) орқали белгилаши лозим. Ҳар қандай ташқи таъсир (эътиқодий, маънавий-ахлоқий, ижтимоий нормалар) инсон-экзистенция томонидан сўзсиз инкор этилади. Қисқаси, бунда объект ва субъект, сабаб ва оқибат категорияларининг мутлоқ уйғун шакли фақат индивидиумнинг ўзидагина мужассам бўлиши лозим. Мазкур қараш, том маънода, немис файласуфи Иммануил Кант (1724-1804)нинг "нарса ўзида" фалсафий коцепциясига асосланади. Хуллас, экзистенциал талқин этилган ҳаёт алал-оқибат муайян индивидиум ёхуд универсум онгида абсурд бўлиб қолаверади.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб "абсурд адабиёт", "абсурд драма" деб номланаётган, бир қадар система шаклини олган адабий талқин илдизлари қадим замонларга бориб тақаладди. Шарқ халқларининг қадим ижодиётига мансуб "Калила ва Димна" китобининг "Бурзо ҳаким ҳақида" деб номланган бобида Бурзо ҳакимнинг ҳаёт маънисизлигидан чеккан изтироблари қаламга олинади. На бойлик, на фаровон турмуш, на илм-фан, на сайру сайёҳатдан мазмун топа олган қаҳрамон бот-бот ҳаётининг маънисизлигидан умидсизликка тушади. Маъни излаб, турмушнинг кўплаб кўчаларига бош суқади. Натижада "Яшашдан маъни муқаррар ўлим томон боришдир", деган хулосага келади. Чуқурроқ қаралса, ҳакимнинг барча ҳаракатлари негизида абсурд ва ақларо кураш ётганига амин бўламиз. Бу ҳолатда ҳакимнинг бир машғулотдан совиб, иккинчи машғулот (иш, соҳа маъносида) бошини тутганига қадар ўтган вақти абсурддир. Унинг муайян иш билан машғул бўлган даври ва ҳатто сўнгги хулосага келган лаҳзалари ҳам абсурдга кирмайди. Кўринадики, Бурзо ҳаким ҳаётидаги абсурд бир неча босқичларга бўлинади ва ҳар гал мақсадли ҳаракати боис якун топади. Демак, ҳаётга ақлий ёндашув ҳеч қачон абсурдга олиб бормас экан.

Европа фалсафий-бадиий оламида абсурд талқини Антик даврдан бошланган бўлса, XX асрга келиб кулминацияга яқинлашди. Гомер, Софокл, Эсхил, Еврипид қаҳрамонлари ҳаётида кичик вақт бирлигини эгаллаган абсурд, XVII аср испан культранизми мисолида ўз сарҳадларини кенгайтирди. Э.Ионеско, С.Беккет, Ж.П.Сартр, А.Камю, Ф.Кафка, М.Пруст, Ж.Жойс, А.Роб-Грийе, Ж.Жене, А.Адамов, Б.Виана, Ж.Тардё, Д.Буццати, Х.Пинтер, Н.Симпсон қаҳрамонлари мисолида эса наинки Европа адабиётида, балки инсоният бадиий тафаккурида универсал ҳодисага айланаёзди. Бироқ инсон, "ал-мисоқ"дан қолган хотираси боисмикан, кўпроқ абсурдга эмас, мазмун-моҳиятга, мантиққа ташнарокдир. Яъни у ҳаётнинг маънисизлигини тан олишдан кўра, ундан маъни топишга кўпроқ интилади. Инсоннинг ҳаётга муҳаббати ўлимга бўлган мойиллиги устидан ўндан тўққиз ҳолатда устун келганидек, маъни ҳам абсурд устидан, асосан, ғалабага эришиб келади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида IX асрдан бугунги кунгача Европа фалсафий-бадиий тафаккур эгаларининг мусулмон шарқига интилишу эҳтиромларини кўрсатиш мумкин. Сабаби ислом оламида абсурд уруғи униши учун майдон деярли йўқ. Чунки исломда тавҳид аталган маънига, мантиққа асосланилади. Чексиз гулистон каби ястаниб ётган мумтоз Шарқ фалсафаси ва адабиёти бунга далил.

Хўш, бугунги Европада универсиал бадиий талқинга айланаёзган абсурд адабиёти асосида нима ётади?

Мисол учун келтирадиган бўлсак, асли ирланд миллатига мансуб, бироқ асосан француз тилида ижод этган Сэмюэл Беккет абсурд адабиётининг машҳур вакили ҳисобланади. Унинг "Годони кутиш", "Ўйиннинг охири", "Сўнгги лента", "О! Ажиб кунлар", "Комедия" каби пиесалари, "Малон ўляпти", "Ким бу..." каби романлари жаҳон адабиётшунослари томонидан абсурд адабиёт намуналари сифатида тан олинади. "Годони кутиш" трагикомедияси абсурд адабиёти моҳиятини ўзида тўла ифодалайди, десак янглишмаймиз.

Пиесага хос абсурд моҳият, аввало, асар хронотопининг мавҳумлигида намоён бўлади. Муаллиф талқинича, воқеа исталган макон ёки замонда рўй бериши мумкин. Асар персонажлари оқсуяк насабли Эстрагон, Владимир ҳамда уларнинг қуллари Поццо ва Лаккилар. Улар бутун пиеса давомида келмаслиги аниқ бўлган Годони кутишади. Уларнинг бундай бемақсад, бемантиқ ҳаракатлари абсурд моҳиятини белгилайди. Абсурд нафақат хронотоп, сюжет ёки ҳаракатда, балки персонажлар нутқида, асар услубида ҳам ёрқин акс этади. Эстрагоннинг буйруғи ва Поццонинг уринишлари (шляпа кийгизиши ва ипни тортиши) орқасида тилга кирган Лаккининг нутқи мантиқан зид сўзлар тизмасидан иборат. Устига устак, бу нутқ бир маромда ва тўхтовсиз давом этади — том маънодаги абстракт онг оқимини ифодалайди. Маълум бўладики, "абсурд мазмун"ни ифодалаш учун айнан абсурд услуб, аниқроғи, абсурд "мазмун" учун "абсурд шакл" талаб этилар экан. Демак, мавҳум хронотоп, мавҳум сюжет, мавҳум ҳаракат, мавҳум нутқ (услуб), қиёфасиз персонаж ва ечимсиз "хотима" абсурд асарнинг муҳим шартларидандир.

Албер Камюнинг "Бегона" қиссасида ҳам шундай руҳ устивор. На жамиятга, на онасига, на маъшуқага, на дўстга муносабатдан маъни топа олган Мерсо энг мудҳиш жиноят — қотиллик қилганидан ҳам бирор маъно топа олмайди. Ўлими ҳақида эса, шундай хулосага келади: "Моҳиятан олганда, ўттиз ёшингда ўласанми, етмиш ёшингдами — кўп ҳам фарқи йўқлигини, барибир, сендан кейин бошқа эркаклар, аёллар яшайверишини, бу аҳвол минг-минг йиллар шундай қолаверишини яхши тушунаман. Аниқ, равшан гап йўқ". Юзаки қараганда қаҳрамон нутқи маъно-дор туюлса ҳам, моҳиятига кўра мутлоқ абсурдни ифодалайди. Унинг "моҳиятан олганда..." ибораси билан "Аниқ, равшан гап йўқ" жумласи, айнан, абсурд дунёқарашга боғланади. Мерсо бутун фаолияти, фикр-қараши билан экзистенциал фалсафа ғояларини акс эттиради. Яъни нафақат одамзотга, ўзига ҳам бир "нарса" ("вещ") сифатида қарайди.

Аммо, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, мутлоқ экзистенциализм фалсафасидан озиқланган ушбу асарларда ҳам абсурд мутлоқ универсал ҳодисага айлана олмаган. Дейлик, "Годони кутиш" асарида абсурд ҳаётнинг қуллари, "нарса" - одамлар рамзи берилган, кенг маънодаги абсурд ҳаётнинг микромакети яратилган. Лекин, шунга қарамасдан, ўша абсурд бадиий "олам" ичидаги одамлар Годони кутишади-ку. Ҳар не бўлганда ҳам кутишнинг ўзи мантиқ эмасми? Иккинчидан, Годонинг келиш-келмаслиги муаллифнинг қўлида экан, унинг онгида экзистенциал фалсафа гегемонлик қилолмаслигига ким кафолат беради? Ёки бу асарида Беккет реализмга хос "характерлар мантиғи"га суянганми? Мерсо тақдирини ҳал қилган нарса ҳам аслида реал ҳаётий мантиқдир. Негаки, уни муқаррар ўлим билан "мукофотлаган" замондошлари Мерсо абсурд деб ҳисоблаган реал ҳа

«ВАҚТ — ЭНГ ОДИЛ ҲАКАМ»

Ўзбек Давлат Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб АҲМЕДОВ билан суҳбат

Учрашув

— Ёқуб ака, янглишмасам ушбу театрга раҳбар этиб тайинланганингиздан буён ўн йилча вақт ўтди.

— Бироқ, мен учун бу йиллар бир зумда ўтиб кетди. Бу яхшими ёки ёмон? Менимча, яхши. Чунки бу йилларни ўз театримда; менинг учун ота-онадай, акаука, опа-сингилдай бўлиб кетган жамоада ўтказдим.

Агар, театр режага кўра бир йилда 4-5та спектакл саҳналаштирса, 9 йилда қирққа яқин асар қўйилди. Албатта, бу спектакларнинг барчаси ҳам санъат оламида воқеа бўлди, деб айта олмайман. Аммо мутахассислар ва томошабинлар томонидан яхши кутиб олинган спектакллар бўлди, биз бундан мамнунмиз. Вақт — доно ҳакам. Томошабинлар дидига ўтирмаган, қандайдир бир сабаблар билан қўйилган спектакллар ўз-ўзидан репертуардан тушиб ҳам қолди, бундан кўз юммаслигимиз керак. Демак, репертуар танлашда баъзан хаталарга ҳам йўл қўйганмиз. Бу ўринда гап, асосан, замонавий мавзудаги, комедия жанридаги асарлар тўғрисида кетяпти. Классик саҳна асарлари бундан мустасно. Бизнинг театрда классикага доимо жиддий ёндашилган, ўзига яраша тажриба ва анъанамиз бор. Амалга ошмаган режаларга келсак... Шу асарни саҳнага қўямиз, деб бадиий кенгаш қарор қилган бир-иккита классик асарлар қолиб кетди. Кўнглимни ғаш қилувчи баъзи асарлар саҳна юзини кўрди. Бу ҳам маълум маънода режанинг кўнгилдагидай амалга ошмагани, деб ўйлайман. Лекин ижод давом этяпти, яхши ният — ярим давлат дейдилар.

— Ўтган йиллар ичида театрда жиддий ўзгаришлар юз берди. Бир қанча актёрлар нафақага чиқишди, бошқа театрларга ўтганлар бўлди, драматургия ва режиссура масаласи муаммо даражасига кўтарилди, томошабин ўзгарди...

— Театрда ўзгаришлар юз бергани аниқ. Саҳнамиз фахри бўлган бир қанча актёрларимиз ҳаётдан кўз юмдилар, кимлардир жиддий касаллиги туфайли ижод билан шуғуллана олмаяпти. Ўтганларнинг жойлари жаннатда бўлсин. Бетобларга эса соғлиқ тилаймиз, улардан ёрдамимизни аямаймиз.

Ҳамма даврда ҳам драматургия ва режиссура муҳим масала бўлиб келган. Ҳозир ҳам шундай. Кўзга кўринган режиссёрларни бир санаб кўрингчи? Икки қўлингиз бармоқлари ортиб қолади. Шундай истеъдодли халқда-я? Беихтиёр футбол тўғрисидаги бир ибора эсга тушади: "Наҳотки, миллион одамдан 11 нафар яхши тўп тепадигани чиқмаса?" Ана шунда "Нега, нега" деган саволни беришга мажбур бўласан, киши. Нега Маннон Уйғурлар, Александр Гинзбурглар, Тошхўжа Ҳўжаевдек режиссёрлар йўқ? Нега истеъдодли, нисбатан ёш, ҳали қўлидан кўп иш келадиган Баҳодир Йўлдошев истеъдодининг янги қирралари кўринмаяпти? Нега Олимжон Салимов катта-катта асарларга қўл урмаяпти? Ахир у бизнинг саҳнамиздаги "Соҳибқирон", "Уфқ" каби зўр спектакларни саҳнага олиб чиққан эди-ку?! Нега саҳнада янгилик яратишга қодир Валижон Умаров ҳалигача бирор театрда муқим ишламайди? Вилоятлардаги бир-иккита яхши режиссёрлар ҳам ўзини унчалик намоён этишмаяпти. Нега шу пайтгача бирор режиссёр ўзига ёққан асар билан театрга келиб, рухсат беринг, шу саҳнада асар қўяй, зора мен ҳам театр ижодкорлари қаторига қўшилсам, деб рухсат сўрамади... Бундай саволлар кўп.

Ана шундай шароитда биз ўз йўлимиздан боришга ҳаракат қиляпмиз. Шу йил режиссёр Марат Азимов Нодира Рашидованинг "Усмон Носир қаерда?" спектаклини муваффаққиятли топширди. Театр фидойиси, жонкуяри, актёр ва режиссёр Турғун Азизовга миннатдорчилик билдираман, чунки Турғун ака саҳналаштирган бир неча спектакллар театр репертуаридан мустаҳкам ўрин олган. Янги мавсумни Валижон Умаров ва Усмон Азимнинг "Бир қадам йўл" спектакли билан очдик. Айни кунларда муаллифлар Йўлдош Муқимов ва Ҳайитмат Расул ҳамкорликда ёзган "Соҳиби тахтизар" ("Спитамен") асари саҳналаштирилмоқда. Уни саҳнага қўйиш учун Санъат институти катта ўқитувчиси Арсен Исмоиловни таклиф этдик.

Ҳозир театрлар учун оғриқли муаммолардан бири драматургиядир. Кўпинча театрлар репертуарида яхши асарлар йўқ, жиддий, ҳаётий спектакллар кам, енгил-елпи, комедия жанридаги томошалар кўпайиб кетди, катта, эпик, классика даражасига кўтариладиган, воқеага айланадиган спектакллар қўйилмаяпти, деган гаплар гапирилади ва кўпинча айб театрга қўйилади. Лекин спектаклнинг асоси пиеса-ку! Биламан, саҳна асари ёзиш қийин, ғалвали иш. Бир асар саҳна юзини кўргунча қанча ташвишлари бор. Бунинг устига қалам ҳақи масаласи... Директорлик фаолиятимдаги асосий ишим театрга томошабинлар ва драматургларни жалб қилиш бўлди. Томошабин театрга қайтди, лекин драматургия ҳамон оқсаяпти. Бир неча бор театрга драматургларни таклиф этиб, дардимизни айтдик. Бир йил олдин яхши асар учун нақд икки юз минг сўм берилади, деб газета орқали танлов эълон қилдик. Асарлар келди, аммо танлов бадиий кенгаши биронта асарни Миллий театр қўйсин, деб таклиф этмади. Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, "Ўзбектеатр" бирлашмаси ҳам шундай танловлар эълон қилди, йиғинлар, семинарлар бўлди, жумладан, бизнинг театрда ёш драматурглар семинари ўтказилди. Аммо натижа қани?

— Миллий театрнинг эртанги кунини қандай тасаввур этасиз?

— Қилаётган барча ишларимиз театрнинг эртаси порлоқ бўлишига қаратилган. Театр муттасил, бир меъёрда ишлаши, ижод қилиши ва ўзининг асосий ва ягона маҳсулоти — янги спектакларни томошабинга тақдим этиб туриши керак. Шунда унинг эртаси ҳам, келажаги ҳам бўлади. Театр томошаларидан ҳар бир одам ўзига нимадир олиши керак. Муҳими, маънавий озиқ олиши керак. Чунки, қадим-қадимдан театр асосий тарбия ўчоқларидан бири саналган.

— Шу ўринда бир савол туғилди. Агар театр тарбия маскани бўлса, нега баъзи спектакларда "томошабин келар экан, томошабин кулар экан" деб, актёрлар ҳар хил бачкана ҳаракатлар қиладилар, саҳнада туриб бепарда сўзларни айтиб юборавердилар?

— Саволингиз ўринли. Ана шундан эҳтиёт бўлиш керак, айниқса, бизнинг театрда. Чунки бизнинг театрга томошабинлар бошқача кўз билан қарашади. Менинг табиатимга ҳам бачканалик, беҳаёлик ёт. Зўр аскияни яхши кўраман, аммо бепарда сўзлар ишлатилган қизиқликни эмас. Табиий вазиятдан келиб чиқадиган қиликларни хуш кўраман, аммо бачкана, зўрмазўракиларини эмас. Эътирозингизда жон бор. "Қаллиқ ўйин"да сиз айтгандай бепарда сўзлар бор. Муаллиф ва режиссёр ҳуқуқини ҳурмат қилганим сабабли тазйиқ ўтказишни истамадим. Лекин принципиал масалаларда қаттиқ тураман. Меъёр бузилишига йўл қўймасликка ҳаракат қиламан.

— Миллий театр ҳақида суҳбатлашар эканмиз, миллий маданият масаласига тўхталмай иложимиз йўқ. Сабаби, санъат ва маданият тушунчалари доимо ёнма-ён юради. Бугун кимни маданиятли киши деб ҳисоблаш мумкин?

— Миллат маданияти — бу, улкан мавзу. Санъат, театр умуммаданиятимизнинг ирмоқларидир. Шу ирмоқ бора-бора катта дарёга айланиб, улкан маданият уммонини яратади. Мана энди айтинг: умрида бирор театрга бормаган, спектакл нималигини билмаган ёки "Театрга бормаганимга 20 йил бўляпти-я", деб мақтанган одамни маданиятли деб бўладими? Галстук тақиб, чиройли сўзлаган дипломли киши маданиятли бўлиб қолмайди. Маданиятлиликнинг бир чеккаси ўша одамнинг санъатга, театрга муносабати билан ҳам белгиланади. Бу ҳақиқатдан ҳеч қаёққа қочиб қутила олмайсиз. Иккинчидан, инсоний маданият тушунчаси — бу фақат томошабинга эмас, театр ходими, актёрга ҳам тааллуқли масаладир.

Тўғри, ҳозир бозор муносабатлари шафқатсиз. Лекин биз маданиятга, санъатга, санъаткорларга бўлган муносабатдан нолимаймиз. Аксинча, бизга бўлган эътибордан миннатдормиз. Шундай иқтисодий мураккаб шароитда бир неча миллиард сўм сарфлаб театр бунёд этиш — миллатнинг келажаги ва маданияти ҳақида қайғуриш эмасми? Ҳар куни театрдаман, ҳар куни театрни айланаман ва ич-ичимдан қувонаман, мағрурланаман. Бу улуғвор бино биз учун, сиз учун, санъат учун ва шак-шубҳасиз томошабин учун. Илоҳим, кўз тегмасин. Энди, юрагимдаги бир гапни айтиб олмасам бўлмайди? Хўш нега биз — шу ерда ишловчилар, ижод қилувчилар, айниқса, артистларнинг баъзилари шу бинонинг қадрига етмаймиз. Ахир, бундай шароит республиканинг қайси бир театри артистига



насиб этипти! Қишда иссиқ, ёзда муздай, икки кишилик гримхоналарда санузел, телевизор, музлатгич, вентилятор. Менга тўғри тушунинг, бу асло миннат эмас. Шундай ғамхўрликка нисбатан садоқат ҳам керак эмасми? Бир ой таътилдан сўнг жамоанинг биринчи йиғилишига келмаган актёрни маданиятли, деб бўладими? Ахир, ҳар бир актёрни вояга етказган шу театр-ку. Умуман, ижодий жамоани саралаш ишига ҳам эътиборни кучайтириш зарурати сезилмоқда.

— Кейинги вақтларда Миллий театр репертуаридан томошабинлар дидини бузадиган, енгил-елпи спектакллар ўрин оляпти, деган танқидий фикрлар айтиляпти?

— Гап репертуаримиздаги "Чимилдиқ", "Қаллиқ ўйин", "Энага", "Боши қотган ошиқлар" каби спектакллар ҳақида боряпти, назаримда. Бу асарлар ҳақида турли фикрлар билдириляпти. Аввало, бу пиесалар Бадиий кенгаш томонидан қабул қилинган. Худди шу кенгаш аъзолари — республикамизнинг театршунос олимлари — спектакларни қабул қилиб, кўрсатишга рухсат беришган. "Чимилдиқ" неча йиллардан бери, ҳар ойда 5-6 марта томошабинлар билан лиқ тўла залда ўйнаб келиняпти. "Қаллиқ ўйин" спектаклининг тақдири ҳам шундай. Шу ўринда бир нарсани очиқ тан олайлик. Томошабин жиддий, фожиавий, драматик спектакларга кам келади. Ҳозирги шароитда талаб комедияга, жанр нуқтаи назаридан енгилроқ асарларга катта бўлса, нима қилиш керак? Яна қайтариб айтаман, вақтнинг ўзи олий ҳакам, у ҳамма нарсани жойжойига қўяди. Мана, биз ўзимиз талабга жавоб бермайдиган "Энага", "Боши қотган ошиқлар", "Хотинлар гапидан чиққан ҳангома" спектакларини репертуардан олиб ташладик.

— Ҳозир кўп ҳолларда гап иқтисодга, томошабин кайфиятига бориб тақалади. Бироқ, томошабинлар енгил-елпи асарларга ўрганиб олса, одамлар маънавиятига етажак зарар учун шундай асарларни қўйган театр ва бундай ҳолларга кўз юмган театршунослар жавобгар бўлиб қолмайдими? Мақсадим, театрни айблаш эмас. Шу саволлар мени кўпдан бери қийнаб келади. Менимча, муаммонинг калити битта. Биз тарбияни, санъатни севишни, тушунишни болаларга ёшликдан сингдириб боришимиз керак. Улар дунёда кулгудан бошқа тушунчалар: одамийлик, ишқ-муҳаббат, ватанпарварлик, бурч, фидоийлик каби эзгу туйғулар ҳам борлигига ишонсин. Боланинг тўғри шаклланиши биз уни қандай асарларга ўргатишимизга ҳам боғлиқ.

— Дунёда ҳамма нарса бир-бири билан узвий боғлиқ. Айниқса, ёшликдаги тарбия — бу, тошга ўйилган нақшдир. Болаликда сингиган тушунчалар инсонни ҳеч қачон тарк этмайди. Шунинг учун фикрларингизга эътироз билдира олмайман.

— Театршунослар билан ўрнатилган муносабатдан қониқасизми?

— Албатта, театршунослар театр учун жуда зарур. Ҳар бир янги асаримизни премерадан олдин мутахассисларга кўрсатамиз, уларнинг фикрини эшитамиз. Сабаби, театр учун ҳар бир спектакл фарзандидай гап; унинг камчиликлари ижодкорларга кўринмаслиги табиий. Шу ўринда театршуносларимиз асарни яхши таҳлил этиб, нуқсонларни рўйрост кўрсатса бундан ҳамма ютади. Лекин театршуносларга бир эътирозим бор: улар театрлар ичида кўпроқ бўлишса, томошабинлар талабини ҳам инобатга олишса, ўрганишса...

— Театрнинг айни кунлардаги муаммолари нималардан иборат?

— Реклама масаласида муаммоларимиз кўп. Театрнинг катта пул тўлаб, асарларини реклама қилдиришга қурби етмайди. Бу жиҳатдан бизга суянчиқ бўладиганлар керак. Телевидениеда ҳеч бўлмаса хафтада икки марта театр куни бўлса қанийди? Турли каналлар орқали театрларда қилинаётган ишлар ҳақида маълумотлар бериб борилиши зарур. Балки алоҳида маданият ва санъат каналини очиш вақти келгандир.

— Энди бевосита ўзингизга даҳлдор бир савол. Сизнингча, раҳбар Ёқуб Аҳмедов фаолми ёки санъаткор Ёқуб Аҳмедов?

— Тўғри, сўнгги пайтларда хўжалик иши ижодий вақтимни кўп банд этяпти. Лекин ўзимда ҳам озгина дангасалик бор. Охирги ролимни "Етти фарёд" спектаклида ўйнадим. Ўзим шу ролимни севиб ижро этганман. Ана шундай роллар бўлса, албатта, йўқ демайман.

— Кўнглингизда қандай ниятлар бор?

— "Умрингда битта дарахт эксанг, бекор яшамадим, дейишга ҳаққинг бор", деган гап бор халқимизда. Ёз бўйи театр атрофини ободонлаштириб, гуллар экдик. Ўтқазган дарахтларимизнинг илдиз отганига хурсанд бўламан. Улар кўкка бўй чўзгани сари кўнглим равшан тортади. Умрим етса, унинг боғ бўлганини кўрсам, дейман. Кўнглимдаги яна бир гапни айтай: етти йилдан бери бош режиссёрсиз ишлаяпмиз. Бир ўзим ҳамма нарсага жавобгарман. Нега шу пайтгача, шундай катта бир театрга бош режиссёр топилмаслигига ҳайронман. Агар бош режиссёр бўлганида, у ижодга жавоб берарди, репертуар масъулияти ҳам, муаллифлар билан ишлаш ва актёрлар ҳам унинг ихтиёрида бўларди. Шунда мен учун ижод билан шуғулланишга имкон туғиларди. Четдан машҳур режиссёрларни олиб келишни, театрни чет элларга олиб чиқишни орзу қиламан.

Театршунос Муқаддас АҲМАДЖОНОВА суҳбатлашди

Дунё — кенг...

ҲАВО АВТОМОБИЛИ

Ўн йилча давом этган машаққатли изланишлардан кейин Францияда янги экологик жиҳатдан тоза пневмоавтомобил ихтиро қилинди. Бу мўъжиза-машинада икки юз километр масофани соатига бир юз ўн километр тезликда босиб ўтиш учун атиги бир ярим доллар, "ёғ қуйиш" учун эса бор-йўғи икки минут сарфлаш кифоя.

Яқин орада ўзининг техник жиҳатларига кўра мутлақо янги конструкциядаги, экологик жиҳатдан эса электромобилдан ҳечам қолишмайдиган ҳаво автомобилини ишлаб чиқаришга киришилади. Янги ихтиронинг сири шундаки, бу машина уч юз атмосферагача сиқилган ҳаво билан ишлайди. "Ҳаво двигатели"ни яратиш ихтирочи Гай Негрга тегишли. У бир француз фирмаси муҳандислари ёрдами билан, юзаки қараганда, одатдаги ичдан ёнадиган двигателга ўхшаш куч борувчи агрегат ясади.

Ҳаво автомобилининг тўрт цилиндрли "юраги" атиги 700 куб сантиметр, оғирлиги 35 килограммга яқин. Двигателнинг диаметри ҳар хил (иккита катта ишчи) ва иккита кичик цилиндрлари бор.

Машинани ўт олдиранда кичик цилиндрлар ташқаридан ҳавони сўради. Сўрилган ҳаво поршенлар ёрдамида сиқилади ва қизийди. Кейин қизиган ва сиқилган ҳаво икки катта ишчи цилиндрга ҳайдалади ва бу жойда бақдаги совуқ ҳаво билан қўшилади. Ҳаво қоришмаси кенгайиб ишчи поршенларни ҳаракатга келтиради, бундан двигателнинг тирсакли вали айланади. Ташқарига эса фақат "ишлатилган" тоза ҳаво чиқарилади.

Содда қурилмага асосланган бу автомобилга техник хизмат кўрсатиш одатдаги машинага кўрсатиладиган хизматдан кўра жуда енгил ва осон.

Айни пайтда ҳаво автомобилини тўрт хил вариантда: беш кишилик, фургон, такси ва пикап шаклида чиқариш мўлжалланаётир. Унинг нархи оддий харидорга ҳам тўғри келадиган миқдорда бўлади.

ЎЛГАНИНИ ЭШИТГАН ФЕРМЕР

Литвалик фермер, Телшяй туманидаги Райню қишлоғи фуқароси Алфонас Лукошюс фавқулодда бундан етти йил олдин... ўлганидан хабар топди.

Литвада чиқадиган "Летувос ритас" газетасининг хабарига кўра, фермернинг уйига полиция ходимлари келиб, "ҳе" йўқ-"бе" йўқ унга унинг ўлгани ҳақидаги маълумотномаларнинг нусхасини беришганда шўрлик Алфонас донг қотиб қолди. Маълумотномада Алфонас Лукошюс бундан етти йил олдин (сана аниқ кўрсатилган) юрак хуружи билан вафот этган ва Йонишикс қабристонига дафн этилгани қайд қилинган. Ғалати томони шундаки Алфонас Литванинг ғарбий худудида яшаб келаётган бўлса, у "дафн этилган" қабристон мамлакатнинг шимолий қисмида экан.

Хўш, фермернинг тирик туриб "ўлгани" қандай юз берган экан? Полиция ходимларининг тахминича, бундай воқеалар кўпинча товламачилик мақсадларида амалга оширилади. Эҳтимол, кимдир бирор дафн маросимига бериладиган нафақани шу йўл билан қўлга киритмоқчи бўлган.

ОТНИНГ ҚОТИЛИ

Чекиш билан боғлиқ касалликлар статистикасига кўра, 2020 йилга келиб сайёрамизда кишилар ўлимининг асосий сабаби ана шу хунук одатнинг оқибати бўлади.

Синчков врачларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, СПИД, туберкулёз, йўл-транспорт ҳодисалари, худкушлик ва қотилликлардан вафот этаётганлар сонини жамлаганда, чекишдан келиб чиқаётган касталиклардан ўлим топаётганлар сони ундан анча кўп экан. Ҳозирги пайтда ҳам, яқин келажакда ҳам чекиш сайёрамиз аҳолиси бошига жиддий хавф солиши тайин экан. 2020 йилга бориб, ер юзидаги чекувчиларнинг саксон беш фоизи ҳаётларини жиддий хатар остига қўйишади.

Шуниси ҳайратланарлики, мамлакат қанчалик камбағал бўлса, унда тамакини бўриқситадиганлар шунчалик кўп бўларкан. Францияда чиқадиган "Пари суар" газетасининг ёзишича, чекишнинг ошкора зиёнига қарамай турли мамлакатларнинг фуқаролари тамакини чеклашга қаратилган қонунлар қабул қилинишига мутлақо қарши.

ҚАНОТЛИ ОҲАНГЛАР

Учинчи халқаро симфоник мусиқа фестивалидан кейинги ўйлар

Боши иккинчи бетда

Гулшанга кирган киши ўзи севган гулни ҳидлайди, дердилар. Ўйлаб қарасам, муҳими — ҳар кимнинг гулшанга ўзи севган гулни экишида экан. Абдусаид Набиев ўз "Муножот"ини халқ қулоғига, мана, ярим асрдан бери қўйилиб қолган Имомжон Икромов қуйидан зарра чекинмай яратади. Мен уни оркестрсиз, ёлғиз фортепианода эшитдим. Қулоғимга эса дуторнинг беғубор ноласи урилгандай бўлиб турибди. Дарвоқе, дутор Ҳабибулла Раҳимов оркестр учун ёзган "Термалар"нинг ҳам бош қаҳрамонидир. Сайфи Жалил — бошқа бир олам, шу кунги санъатимиз отахонларидан. Мусиқий тафаккуридаги академона руҳ фортепиано учун ёзилган "Ой шуъласи" ва "Амир дарвозаси" аталмиш пиесаларига ҳам омухта. Мен бастакор Мардон Насимов билан сюиталаримиз устида бирга ишлашган пайтларда мана шундай маза қилган эдим. Хуршида Ҳасанова ҳали ёш. Фикри бир лаҳза тўлқинланиб оқса, бир лаҳзада қанот қоқиб ҳаволайди. Парвозинг баланд бўлсин, дегим келади унга.

Мусиқа парвозда экан, унга икки дунё бир қадам. Тафаккур осмонида эса фақат ижтимоий ғоялар эмас, ижодий тасаввур ва тимсоллар ҳам бир-бирлари билан рўпара келадилар. Ўзаро баҳсга киришадилар. Бир-бирларини бойитадилар. Шунча муддат шинавандаларга холис хизмат қилган йўлни ҳеч бўлмаса бир қарич олға суриб қўядилар. Италиялик Микеле Пеццутонинг "Эл Сур" асарини, тошкентлик Алишер Латифзоданинг "Шарқ миниатюралари"ни ва Анатолий Вареласнинг "Соната"сини, ўзи етиб келмаса-да, мусиқаси АҚШдан етиб келган Жерри Сигнинг Ҳадича Оналбоева ижро этган миниатюраларини тинглаганда, менинг хаёлим мана шундай ўйларга ғарқ эди.

Хонаки мусиқа концертларида қирғизистонлик Лайло Муждабоева, тожик Парвиз Туробий, россиялик Марк Минков, татаристонлик Рашид Калимуллиннинг асарлари ҳам эътибор билан тингланди. Қизиғи шундаки, Рашиднинг фақат мусиқий шижоати эмас, ҳатто юзлари ҳам ўзимизнинг забардаст Мустафо Бафоевга ўхшаб кетаркан. Фақат меҳмон бироз ёшроқ эди.

Қийналиб кетган кишилар баъзан "нима, ўлмасликка сўз беribманми" деб қўядилар. Фестивал кунлари Мухтор Ашрафийнинг "Дилором"идан бош қаҳрамон ариясини, Улуғбек Мусаевнинг "Трио"сини қайта эшитиб, ҳа, мусиқа, умуман санъат ўлмасликка кафолат бериши мумкинлигига ишонгандай бўлдим.

Неча йилларки, мусиқа санъатига бағишланган каттами-кичикми йиғинларда энг аввало халқчиллик ҳақида сўз очилади. Ижодкорни мақташ учун ҳам, калтаклаш учун ҳам шу баҳонанинг ўзи етиб ортади. Дарҳақиқат, бу иборанинг мазмуни тубсиз. Кимдир у орқали бастакорнинг халқ ижоди билан алоқасини назарда тутса, бошқа биров унинг оҳангларга сингган ғояларини оммага қандай етиб бораётганини назарда тутади. Учинчи кимса Михаил Глинкага ишора қилиб, мусиқани халқ яратади, биз уни қайта безатамиз холос, дейди. Айни вақтда қанча-қанча санъат аҳли, ўз юрагига қулоқ солиб, ҳали ҳеч қаерда эшитилмаган куйларга доялик қилиш билан машғул бўлади. Ана, жойинг жаннатда бўлгур Фахриддин Содиқов, Неъматжон Қулабдуллаевни эсланг: ҳамма куйлари ширин, ҳаммаси оригинал. Халқ деганда шундай инсонлар кўз ўнгимизга келади, аввало.

Ҳар кўнгилнинг кўчаси ўз безаклари билан обод. Бу нарса фестивал концертларида яққол кўзга ташланади. Дилором Омонуллаеванинг жўрсиз хор, флейта ва доира учун шоир Сирожиддин Саидов шеърларига ёзган "Кўнгил соҳиллари" симфониясидаги дард ва лирик руҳиятни айтайликми, қирғизистонлик Совхозбек Айткеевнинг "Насиҳат" симфониясидаги ажойиб табиат тасвирларини олайликми, яқиндагина орамиздан кетган Тўлқин Қурбоновнинг 9-симфониясидаги мардонавор пардаларга кўтарилган "Сегоҳ" нолаларини тинглаймизми, уларнинг барчасида юқоридаги фикримизга далолат топа оламиз.

Мусиқа ва шеърият — эгизак. Гап фақат ўлчов ёки ритмда эмас, ижодкор оламида. Масалан, Икром Акбаровнинг "Наврўз"ини тинглар эканман, бундан йигирма йил бурун "Тўйлар муборак" сюитаси устида бирга ишлаганимизда орттирган таассуротим — у кишининг халқ қаддини, халқ гўзаллигини тасвирлашдаги маҳорати янада юксакка кўтарилганига амин бўлдим. Худди шундай фазилат Рустам Абдуллаевнинг "Раталла"сига ҳам мансуб. Мен уларни Ҳамид Олимжоннинг эртакларига ўхшатгим келади: туғилиши жиҳатидан ҳам, нафосати жиҳатидан ҳам.

Умуман, фестивалга яхлит баҳо берадиган бўлсак, уни давр ва истеъдод тили билан халқ номидан айтилган ўзига хос мусиқий достонга ўхшатсак, муболаға бўлмас.

Энди ижрога қайтсак, ранго-ранг дастур билан имкон борича танишгач, Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ҳозирча бироз ихчам бўлсада, олдига қўйилган жуда катта ва мураккаб ижодий муаммоларни ечишга қодир, маҳоратли созандалар жамоаси деган ишонч пайдо бўлди менда. Созандалар фақат ўз қадрдон етакчилари Анвар Эргашев ёки Владимир Неймер билангина эмас, меҳмонларимиз — туркиялик профессор Саим Оқчил, қирғиз Нухсан Рисалиев каби дирижёрлар билан ҳам қисқа муддатда яхши тил топишиб кетишгани яққол кўриниб ва эшитилиб турибди. Мени қувонтирган яна бир нарса — хонаки асарлар ижрочиларининг кўпчилиги ҳали ёш, ҳатто талаба. Демак, фестивал улар учун ҳам сабоқ, ҳам олға қўйилган бир қадамдир. Ёшлар ҳақида ўйлаганда Тошкент саҳналарида жавлон ураётган, ўзини юлдуз деб юрган йигит-қизлар, уларга энг замонавий асбобларда жўрнавозлик қилаётган созандалар ҳам кўз ўнгимдан ўтди-ю, озгина ўкиниб қўйдим. Уларнинг ҳеч бўлмаса бир-иккитаси фестивал концертларининг бирортасини кўрганида, жонли мусиқа оламида рўй бераётган янгиликлардан нимадир уққанида, эҳтимол, ижод пардасида янги бир садо туғилармиди...

Халқимизнинг зўр мусиқа санъати бор. Консерваториянинг катта залида, мусиқа мавжларида эриб ўлтирар эканман, бу ўйчан ва завқбахш оҳанглар ушбу қадди баланд нурли кошонада яйраб таралаётганини яққол ҳис этдим. Меҳмонлар ҳам хурсанд. Уларнинг дил сўзларини италян-бастакор Микеле Пеццуто изҳор этди. III Халқаро симфоник мусиқа фестивали иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ташаккурнома йўлладилар. Фестивал бош директори, республика Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев айтганидек, бу санъат байрами, "албатта, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган тинчликсеварлик ва бунёдкорлик сиёсатининг ёркин маҳсулидир".

Томоша тугаши мумкин. Қўлларнинг тафти эса кафтларда, дилрабо куйлар юракларда қолади. Ижод давом этади. Янги асарлар туғилади. Консерваториянинг қолган уч концерт зали ҳам бирин-кетин бағрини очади. Қарабсизки, навбатдаги, тўртинчи фестивал остонасига ҳам бориб қоламиз. Ватанимиз, оиламиз, кўнглимиз тинч бўлса бас.

Бошимиз тегмайди тош ва тўсиққа,
Ишимиз тушмайди ёлғон-яшиққа,

Жонимиз, нонимиз, ҳар бир онимиз
Омухта бўлганда яхши қўшиққа.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Мурод АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Беҳзод МАМАДИЕВ
Саҳифаловчи — Нодирбек ОРТИҚОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 770. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6365.